$\xi \in [0, x_1]$ . В силу (20),  $\xi \in (0, x_1)$ . Поэтому  $\xi$  есть точка экстремума функции  $T(x)$ . Тогда, при  $T(\xi) > 0 (< 0)$  имеют место соотношения  $T''(\xi) \leq 0 (\geq 0), T'(\xi) = 0$ . Если учесть эти соотношения и  $|\lambda_1| \geq |\lambda_2| > 0$ , то из (17) при  $x = \xi$  следует неравенство  $C_{0x}^{0,\lambda_2} [a_1(x)e^{|\lambda_2|x}T(x)] \Big|_{x=\xi} \leq 0 (\geq 0)$ , что противоречит принципу экстремума [2] для операторов  $C_{0x}^{0,\lambda_2}$ , согласно которому,  $C_{0x}^{0,\lambda_2} [a_1(x)e^{|\lambda_2|x}T(x)] \Big|_{x=\xi} > 0 (< 0)$ . Полученное противоречие опровергает предположение  $T(x) \not\equiv 0, x \in [0, x_1]$ . Следовательно,  $T(x) \equiv 0, x \in [0, x_1]$ .

В силу  $T(x) \equiv 0, x \in [0, x_1]$ , из (17) и (18) следует задача

$$T''(x) + 2|\lambda_2|T'(x) - (\lambda_1^2 - |\lambda_2|^2)T(x) = e^{-|\lambda_2|x} C_{x_1x}^{1,\lambda_2} [a_1(x)e^{|\lambda_2|x}T(x)], x_1 < x < 1; \quad (21)$$

$$T(x_1) = 0, \quad \int_{x_1}^1 e^{|\lambda_2|x}T(x)dx = 0. \quad (22)$$

Используя равенства (21), (22) и повторяя рассуждения, проведенные в задаче {(17), (18)}, можно доказать, что  $\exists x_2 \in (x_1, 1]$ , где  $T(x) \equiv 0, x \in [x_1, x_2]$ .

Если  $x_2 = 1$ , то теорема будет доказана. При  $x_2 \neq 1$  учитывая  $T(x) \equiv 0, x \in [x_1, x_2]$ , из (21) и (22) получим задачу

$$T''(x) + 2|\lambda_2|T'(x) - (\lambda_1^2 - |\lambda_2|^2)T(x) = e^{-|\lambda_2|x} C_{x_2x}^{1,\lambda_2} [a_1(x)e^{|\lambda_2|x}T(x)], x_2 < x < 1;$$

$$T(x_2) = 0, \quad \int_{x_2}^1 e^{|\lambda_2|x}T(x)dx = 0,$$

с помощью которой, примененным выше методом, находим точку  $x_3 \in (x_2, 1]$ , где  $T(x) \equiv 0, x \in [x_2, x_3]$  и т.д.

Продолжая этот процесс, либо после конечного шага имеем  $T(x) \equiv 0, x \in [0, 1]$ , либо имеем последовательность отрезков  $[0, x_1], [x_1, x_2], \dots, [x_{n-1}, x_n], \dots$ , в которых  $T(x) \equiv 0, x \in [x_{n-1}, x_n], n = 1, 2, \dots$  (здесь  $x_0 = 0$ ) и  $\lim_{n \rightarrow \infty} x_n = 1$ . Следовательно,  $T(x) \equiv 0, x \in [0, 1]$ . Отсюда, учитывая  $T(x) \in C[0, 1]$  заключаем, что  $T(x) \equiv 0, x \in [0, 1]$ .

Так как  $\tau(x) = e^{|\lambda_2|x}T(x)$ , то  $\tau(x) \equiv 0, x \in [0, 1]$ , т.е. задача (16) имеет только тривиальное решение.

2). Пусть выполнена II группа условий. В этом случае уравнение в (16) принимает вид

$$\tau''(x) - a_1(x)\tau'(x) - [\lambda_1^2 + a_1'(x)]\tau(x) = 0, x \in (0, 1). \quad (23)$$

Методом примененным в пункте 1), можно доказать, что полученная здесь задача также имеет только тривиальное решение.

3). Пусть выполнена III группа условий. Тогда уравнение в (16) принимает вид  $\tau''(x) - \lambda_1^2 \tau(x) = 0$ .

Общее решение этого уравнения при  $\lambda_1 \neq 0$  имеет вид  $\tau(x) = c_1 e^{-\lambda_1 x} + c_2 e^{\lambda_1 x}$ , а при  $\lambda = 0$  -  $\tau(x) = c_1 + c_2 x$ . Подчиняя эти общие решения последним двум условиям из (16), при  $\lambda_1 \neq 0$  и  $\lambda_1 = 0$  соответственно имеем системы уравнений

$$\begin{cases} c_1 + c_2 = 0, \\ (c_1/\lambda_1)(e^{\lambda_1} - 1) - (c_2/\lambda_1)(e^{-\lambda_1} - 1) = 0, \end{cases} \quad \begin{cases} c_1 + c_2 = 0, \\ c_1 + (1/2)c_2 = 0. \end{cases}$$

Эти системы уравнений имеют единственное решение  $c_1 = c_2 = 0$ . Следовательно, и в этом случае  $\tau(x) \equiv 0$ ,  $x \in [0, 1]$ .

Теорема 1 полностью доказана.

Теперь, докажем существование решение задачи  $\{(15), (14)\}$ . Введем обозначение  $\tau(1) = c$ . Предположим (временно), что правая часть уравнения (15) и постоянная  $c$  известны. Тогда, решение задачи  $\{(15), (14)\}$ , как решение первой краевой задачи для уравнения (15), представимо в виде [4]

$$\tau(x) = \int_0^1 K(x, t) \nu(t) dt + \{c \operatorname{sh}(\lambda_1 x) + \varphi_1(0) \operatorname{sh}[\lambda_1(1-x)]\} / \operatorname{sh} \lambda_1, \quad 0 \leq x \leq 1, \quad (24)$$

где  $\nu(x)$  - функция, определяемая равенством (12), а

$$K(x, t) = \begin{cases} \operatorname{sh}[\lambda_1(t-1)] \operatorname{sh}(\lambda_1 x) [\lambda_1 \operatorname{sh} \lambda_1]^{-1}, & 0 \leq x \leq t; \\ \operatorname{sh}(\lambda_1 t) \operatorname{sh}[\lambda_1(x-1)] [\lambda_1 \operatorname{sh} \lambda_1]^{-1}, & t \leq x \leq 1. \end{cases}$$

Подставляя (24) во второе из условий (16), находим

$$c = \int_0^1 \left\{ [\operatorname{sh} \lambda_1(1-t) + \operatorname{sh} \lambda_1 t - \operatorname{sh} \lambda_1] / \lambda_1 (1 - \operatorname{ch} \lambda_1) \right\} \nu(t) dt - [\lambda_1 \operatorname{sh} \lambda_1 / (1 - \operatorname{ch} \lambda_1)] \varphi_2(0) - \varphi_1(0). \quad (25)$$

Далее, подставляя (25) в (24) и принимая во внимание (12), после некоторых преобразований, получим интегральное уравнение Фредгольма второго рода

$$\tau(x) + \int_0^1 K_1(x, t) \tau(t) dt = \varphi(x), \quad 0 \leq x \leq 1, \quad (26)$$

где  $K_1(x, t) = -K(x, t) - \{[\operatorname{sh} \lambda_1 t - \operatorname{sh} \lambda_1(t-1) - \operatorname{sh} \lambda_1] \operatorname{sh}(\lambda_1 x)\} / \lambda_1 (1 - \operatorname{ch} \lambda_1) \operatorname{sh} \lambda_1$ ,

$$\varphi(x) = \frac{1}{\operatorname{sh} \lambda_1} \left\{ \varphi_1(0) [\operatorname{sh}[\lambda_1(1-x)] - \operatorname{sh}(\lambda_1 x)] - \varphi_2(0) \operatorname{sh}(\lambda_1 x) [\lambda_1 \operatorname{sh} \lambda_1 / (1 - \operatorname{ch} \lambda_1)] \right\},$$

а  $K_1(x, t) \in C^2[0 < x, t < 1, x \neq t]$ ,  $\varphi(x) \in C^2[0, 1]$  - известные функции, безусловная и однозначная разрешимость которых, в силу эквивалентности, следует из единственности решения задачи  $\{(15), (14)\}$ .

После того как найдена  $\tau(x)$ , функция  $\nu(x)$  определяется формулой (12). После этого решение задачи 1 в области  $D_2$  определяется формулой (8), а в области  $D_1$  как решение следующей задачи:

**Задача  $I_1$ .** Найти решение  $u(x, y) \in C(\bar{D}_1)$  уравнения  $u_{xx} - u_y - \lambda_1^2 u = 0$ , удовлетворяющее условиям (2), (3) и  $u(x, 0) = \tau(x)$ ,  $0 \leq x \leq 1$ .

Эта задача исследуется, как и в работе [5].

Аналогично исследуется следующая

**Задача 2.** Найти решение задачи 1, когда условие (3) заменено условием

$$u(1, y) = \int_0^1 u(x, y) dx + \mu_2(y), \quad 0 \leq y \leq 1.$$

**Список литературы**

- [1] Халилов К.С., Солиев И.С. Нелокальная задача для парабола-гиперболического уравнения // ФарДУ Илмий хабарлар. – 2013. №1. – С.19-22.
- [2] Салахитдинов М.С., Уринов А.К. Краевые задачи для уравнений смешанного типа со спектральным параметром. – Ташкент: Фан, 1997. – 166 с.
- [3] Фихтенгольц Г.М. Основы математического анализа. Т.1. - М.: Наука. 1968.
- [4] Смирнов В.И. Курс высшей математики. Том IV. Часть II. - М.: Наука. 1981.
- [5] Голованчиков А.Б., Симонова И.Э., Симонов Б.В. Решение диффузионной задачи с интегральным граничным условием // Фундаментальная и прикладная математика. – 2001. Т.7. №2. – С.339-349.

**АРАЛАШ ПАРАБОЛИК ТЕНГЛАМА УЧУН ИНТЕГРАЛ ШАРТЛИ МАСАЛА**

А.О. Маманазаров

*Фаргона Давлат университети  
(Қабул қилинди 9.04.2015 й.)*

*Мақолада аралаш параболик тенглама учун чегараланган соҳада интеграл шартли масала баён қилинган ва ўрганилган.*

**Таянч сўзлар:** *аралаш параболик тенглама, Абел интеграл тенгламаси, иккинчи тур Фредгольм интеграл тенгламаси.*

*В статье поставлена и исследована задача с интегральным условием для смешанно-параболического уравнения в ограниченной области.*

**Ключая слова:** *смешанно-параболическое уравнение, интегральное уравнение Абеля, интегральное уравнение Фредгольма второго рода.*

*In the article has been explored the problem of integral conditional type for the mixed parabolic equation is investigated in limited area .*

**Key words:** *mixed parabolic equation, Abel’s integral equation, Fredholm’s integral equation of the second kind.*

**I. Масаланинг кўйилиши.** Бу мақолада  $D = D_1 \cup AA_0 \cup D_2$  соҳада

$$0 = Lu \equiv \begin{cases} L_1 u \equiv u_{xx} - u_t, & (x, t) \in D_1, \\ L_2 u \equiv u_{tt} + u_x, & (x, t) \in D_2 \end{cases}$$

кўринишдаги аралаш параболик тенгламани қараймиз. Бу ерда

$$D_1 = \{(x, t) : -h \leq x < 0, 0 < t < T\}, \quad D_2 = \{(x, t) : 0 < x < l, 0 < t < T\},$$

$$AA_0 = \{(x, t) : x = 0, 0 < t < T\}, \quad l, h, T \in R_+.$$

**I Масала.**  $D$  соҳанинг ёпиғида аниқланган ва узлуксиз шундай  $u(x, t)$  функция топилсинки, у  $D_1$  ва  $D_2$  соҳаларда мос равишда  $L_1 u = 0$  ва  $L_2 u = 0$  тенгламаларнинг регуляри ечими бўлиб,  $AA_0$  кесмада ушбу

$$\lim_{x \rightarrow -0} u_x(x, t) = \lim_{x \rightarrow +0} u_x(x, t), \quad t \in (0, T) \quad (1)$$

улаш шартини,  $D$  соҳанинг чегарасида эса қуйидаги

$$u(x, 0) = \varphi_1(x), \quad 0 \leq x \leq l; \quad (2)$$

$$\int_0^l u(x, t) dx = \varphi_2(t), \quad 0 \leq t \leq T; \quad (3)$$

$$u(x, 0) = \varphi_3(x), \quad -h \leq x \leq 0; \quad (4)$$

$$u(x, h) = \varphi_4(x), \quad -h \leq x \leq 0 \quad (5)$$

чегаравий шартларни қаноатлантирси. Бу ерда  $\varphi_1(x)$ ,  $\varphi_2(t)$ ,  $\varphi_3(x)$ ,  $\varphi_4(x)$ -берилган

узлуксиз функциялар бўлиб,  $\varphi_1(0) = \varphi_3(0)$ ,  $\int_0^l \varphi_1(x) dx = \varphi_2(0)$ ,

$$\varphi_1(x) \in C^2[0, l] \cap C^3(0, l), \quad \varphi_2(t) \in C^2[0, T] \cap C^3(0, T); \quad \varphi_3(x), \varphi_4(x) \in C[-h, 0].$$

**II. Масала ечимининг мавжудлиги ва яғоналиги.** Фараз қилайлик,  $u(x, t)$ -I масаланинг ечими бўлсин. Қуйидаги белгилашларни киритайлик:

$$u(0, t) = \tau(t), \quad u(l, t) = \varphi(t), \quad 0 \leq t \leq T. \quad (6)$$

У ҳолда  $u(x, t)$  функция  $D_1$  соҳада  $L_1 u = 0$  тенглама учун (2), (6) шартлар билан қўйилган биринчи чегаравий масаланинг ечими сифатида

$$u(x, t) = \int_0^l \varphi_1(\xi) G(x, t; \xi, 0) d\xi + \int_0^t \tau(\eta) G_\xi(x, t; 0, \eta) d\eta - \int_0^t \varphi(\eta) G_\xi(x, t; l, \eta) d\eta, \quad (7)$$

кўринишда аниқланади [1], бу ерда

$$G(x, t; \xi, \eta) = [4\pi(t - \eta)]^{-1/2} \times \\ \times \sum_{n=-\infty}^{+\infty} \left\{ \exp\left[-\frac{(x - \xi - 2nl)^2}{4(t - \eta)}\right] - \exp\left[-\frac{(x + \xi - 2nl)^2}{4(t - \eta)}\right] \right\}.$$

(7) Тенгликни  $x$  ўзгарувчи бўйича  $[0, l]$  ораликда интеграллаб ва охириги икки интегралда интеграллаш тартибини ўзгартириб,

$$\int_0^l u(x, t) dx = \int_0^l \int_0^l \varphi_1(\xi) G(x, t; \xi, 0) d\xi dx + \\ + \int_0^t \tau(\eta) d\eta \int_0^l G_\xi(x, t; 0, \eta) dx - \int_0^t \varphi(\eta) d\eta \int_0^l G_\xi(x, t; l, \eta) dx \quad (8)$$

тенгликка эга бўламиз.

Грин функциясининг ёйилмасидан фойдаланиб, қуйидаги

$$\int_0^l G_\xi(x, t; 0, \eta) dx = - \int_0^l G_\xi(x, t; l, \eta) dx = \frac{1}{\sqrt{\pi(t - \eta)}} + K_0(t, \eta)$$

тенгликлар ўринли эканлигини текшириб кўриш қийин эмас, бу ерда

$$K_0(t, \eta) = \frac{2}{\sqrt{\pi(t-\eta)}} \sum_{n=1}^{+\infty} \left\{ \exp\left[-\frac{n^2 l^2}{t-\eta}\right] - \exp\left[-\frac{(2n-1)^2 l^2}{4(t-\eta)}\right] \right\}.$$

Юқоридаги тенгликларни эътиборга олсак, (8) тенгликни

$$\int_0^l u(x, t) dx = \int_0^t [\tau(\eta) + \varphi(\eta)] \left[ \frac{1}{\sqrt{\pi(t-\eta)}} + K_0(t, \eta) \right] d\eta + f_1(t) \quad (9)$$

кўринишда ёзишимиз мумкин бўлади, бунда

$$f_1(t) = \int_0^l \int_0^l \varphi_1(\xi) G(x, t; \xi, 0) d\xi dx.$$

(9) Тенгликни ҳисобга олсак, (3) шартдан

$$\int_0^t \frac{\tau(\eta) + \varphi(\eta)}{\sqrt{\pi(t-\eta)}} d\eta = \varphi_2(t) - f_1(t) - \int_0^t [\tau(\eta) + \varphi(\eta)] K_0(t, \eta) d\eta \quad (10)$$

тенглик келиб чиқади.

(10) Тенгликнинг ўнг томонини вақтинча маълум функция деб ҳисобласак, у  $\tau(\eta) + \varphi(\eta)$  номаълум функцияга нисбатан Абел интеграл тенгламаси бўлиб [2], унинг ечими қуйидагича аниқланади:

$$\begin{aligned} \tau(t) + \varphi(t) = & -\frac{1}{\sqrt{\pi}} \frac{d}{dt} \int_0^t (t-\eta)^{-1/2} \left\{ \int_0^\eta [\tau(z) + \varphi(z)] K_0(\eta, z) dz \right\} d\eta + \\ & + \frac{1}{\sqrt{\pi}} \frac{d}{dt} \int_0^t (t-\eta)^{-1/2} [\varphi_2(\eta) - f_1(\eta)] d\eta. \end{aligned} \quad (11)$$

Бўлаклаб интеграллаш ва интеграллаш тартибини ўзгартириш қоидаларидан фойдаланиб, (11) тенгликни

$$\tau(t) + \varphi(t) + \frac{1}{\sqrt{\pi}} \int_0^t [\tau(\eta) + \varphi(\eta)] K_1(t, \eta) d\eta = f_2(t) \quad (12)$$

кўринишда ёзишимиз мумкин, бу ерда

$$K_1(t, \eta) = \int_\eta^t (t-z)^{-1/2} \frac{\partial}{\partial z} K_0(z, \eta) dz, \quad f_2(t) = \frac{1}{\sqrt{\pi}} \int_0^t (t-\eta)^{-1/2} [\varphi_2'(\eta) - f_1'(\eta)] d\eta.$$

(12)- $[\tau(t) + \varphi(t)]$  номаълум функцияга нисбатан иккинчи тур Вольтерра интеграл тенгламасидир. Унинг ягона ечимини тенгламанинг резольвентаси  $R(t, \eta)$  орқали қуйидагича ифодалаш мумкин:

$$\tau(t) + \varphi(t) = f_2(t) - \int_0^t f_2(\eta) R(t, \eta) d\eta. \quad (13)$$

Демак,  $I$  масаладаги (3) шарт (13) тенглик билан аниқланган шартга тенг кучли экан.

$I$  масаладаги (3) шартни (13) шарт билан алмаштиришдан, ҳосил бўлган масалани  $I_0$  масала деб белгилайлик. Агар  $I_0$  масаланинг ечими мавжуд ва ягона бўлса, унга эквивалент бўлган  $I$  масаланинг ечими ҳам мавжуд ва ягона бўлади. Шунинг учун  $I_0$  масалани текширамиз.



Дастлаб,  $I_0$  масала  $u_1(x, t)$  ва  $u_2(x, t)$  ечимларга эга бўлсин деб, фараз қилайлик. У ҳолда  $u(x, t) = u_1(x, t) - u_2(x, t)$  функция  $Lu = 0$  тенгламани ҳамда (1) ва куйидаги

$$u(x, 0) = 0, 0 \leq x \leq l; \quad u(0, t) = -u(l, t), 0 \leq t \leq T, \quad (14)$$

$$u(x, 0) = 0, -h \leq x \leq 0; \quad u(x, T) = 0, -h \leq x \leq 0 \quad (15)$$

шартларни қаноатлантиради. Фараз қилайлик,  $u(x, t) \neq 0, (x, t) \in \bar{D}$  бўлсин. У ҳолда,  $\sup_{(x,t) \in \bar{D}} |u(x, t)| = |u(x_0, t_0)| \neq 0$  тенгсизлик ўринли бўлади, бу ерда  $(x_0, t_0) \in \bar{D}$ .  $L_2u = 0$

тенглама учун экстремум принципага ва (15) тенгликларга асосан  $(x_0, t_0) \notin \bar{D}_2 \setminus AA_0$ . Демак,  $(x_0, t_0) \in \bar{D}_1$ . Аммо,  $L_1u = 0$  тенглама учун экстремум принципа ва  $u(x, 0) = 0, 0 \leq x \leq l$  тенгликка асосан,  $(x_0, t_0) \notin D_1 \cup \{(x, 0) : 0 \leq x \leq l\}$ . Унда  $(x_0, t_0) \in AA_0 \cup BB_0$ , бу ерда  $BB_0 = \{(l, t) : 0 < t < T\}$ . Фараз қилайлик,  $u(x, t)$  функция  $AA_0$  да мусбат максимум (манфий минимум)га эришсин. У ҳолда параболик тенглама ечими нормал бўйича ҳосиласининг хоссасига асосан [3]

$$\lim_{x \rightarrow +0} u_x(x, t_0) < 0 (> 0) \quad (16)$$

тенгсизлик ўринли бўлади.

Энди  $D_2$  соҳада  $L_2u = 0$  тенгламани қарайлик.  $L_2u = 0$  тенгламада  $x$  ни нолга интилитирсак,

$$\tau''(t) = -\lim_{x \rightarrow 0} u_x(x, t), \quad 0 < t < T \quad (17)$$

тенгликка эга бўламиз.

$\tau(t)$  функция  $AA_0$  да мусбат максимум(манфий минимум)га эришганда,  $\tau''(t_0) \leq 0 (\geq 0)$  тенгсизлик ўринли бўлади. Бундан эса (17) га асосан,

$$\lim_{x \rightarrow -0} u_x(x, t_0) \geq 0 (\leq 0) \quad (18)$$

тенгсизлик келиб чиқади.

(1) Улаш шартига асосан, (16) ва (18) тенгсизликларнинг бир вақтда бажарилиши мумкин эмас. У ҳолда зидликка дуч келинди. Демак, фаразимиз нотўғри экан, яъни  $(x_0, t_0) \notin AA_0$ .  $u(0, t) = -u(l, t)$  тенгликка кўра эса  $(x_0, t_0) \notin BB_0$ . Бу эса Вейерштрасс теоремасига зиддир. Бу қарама-қаршилиқ  $u(x, t) \neq 0$  деган фаразимиз нотўғри эканлигини кўрсатади. Демак,  $u(x, t) \equiv 0$ , яъни  $u_1(x, t) \equiv u_2(x, t)$ ,  $(x, t) \in \bar{D}$ . Бундан, агар  $I_0$  масаланинг ечими мавжуд бўлса, унинг ягона бўлиши келиб чиқади.

Энди  $I_0$  масала ечимининг мавжудлигини кўрсатишга ўтамиз. (7) тенгликни  $x$  бўйича дифференциаллаймиз:

$$\frac{\partial}{\partial x} u(x, t) = \int_0^l \varphi_1(\xi) G_x(x, t; \xi, 0) d\xi + \int_0^t \tau(\eta) G_{\xi x}(x, t; 0, \eta) d\eta - \int_0^l \varphi(\eta) G_{\xi x}(x, t; l, \eta) d\eta. \quad (19)$$

(19) даги интегралларни бўлақлаб, сўнгра  $x$  ни нолга интилитирсак,

$$\lim_{x \rightarrow +0} u_x(x, t) = \int_0^t \varphi'(\eta) K_2(t, \eta) d\eta - \int_0^t \tau'(\eta) K_1(t, \eta) d\eta + f_3(t), \quad t \in (0, T) \quad (20)$$

кўринишдаги тенгликка эга бўламиз, бу ерда

$$f_3(t) = \frac{1}{\sqrt{\pi t}} \int_0^l \varphi_1'(\xi) \sum_{n=-\infty}^{+\infty} \exp\left[-\frac{(2nl - \xi)^2}{4t}\right] d\xi,$$

$$K_1(t, \eta) = \frac{1}{\sqrt{\pi(t-\eta)}} + \frac{2}{\sqrt{\pi(t-\eta)}} \sum_{n=1}^{+\infty} \exp\left(-\frac{n^2 l^2}{t-\eta}\right),$$

$$K_2(t, \eta) = \frac{2}{\sqrt{\pi(t-\eta)}} \sum_{n=1}^{+\infty} \exp\left[-\frac{(2n-1)^2 l^2}{4(t-\eta)}\right].$$

Энди (13) тенгликдан  $t$  бўйича ҳосила олиб, натижани қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$\varphi'(t) = -\tau'(t) + f_2'(t) - \int_0^t f_2(\eta) \frac{\partial}{\partial t} R(t, \eta) d\eta. \quad (21)$$

$\varphi'(t)$  номаълум функциянинг (21) тенглик билан аниқланган бу ифодасини (20) тенгликка қўйиб,

$$\lim_{x \rightarrow +0} u_x(x, t) = -\int_0^t \tau'(\eta) [K_1(t, \eta) + K_2(t, \eta)] d\eta + f_4(t) \quad (22)$$

тенгликка эга бўламиз, бу ерда

$$f_4(t) = f_3(t) + \int_0^t f_2'(\eta) K_2(t, \eta) d\eta - \int_0^t \left[ \int_0^\eta f_2(z) \frac{\partial}{\partial \eta} R(\eta, z) dz \right] K_2(t, \eta) d\eta.$$

Энди  $L_2 u = 0$  тенглама ва (4), (5) шартларда  $x$  ни нолга интилтирамиз. Натижада, (17) ва қуйидаги тенгликларга эга бўламиз:

$$\tau(0) = \varphi_3(0), \quad \tau(T) = \varphi_4(0). \quad (23)$$

(1) улаш шартига асосан (17) ва (23) тенгликлардан  $\tau(t)$  номаълум функцияга нисбатан қуйидаги

$$\tau''(t) - \int_0^t \tau'(\eta) [K_1(t, \eta) + K_2(t, \eta)] d\eta + f_4(t) = 0 \quad (24)$$

интеграл-дифференциал тенглама келиб чиқади.

(24) тенгламани қуйидаги

$$\tau''(t) = \int_0^t \tau'(\eta) [K_1(t, \eta) + K_2(t, \eta)] d\eta - f_4(t) \quad (25)$$

кўринишда ёзиб оламиз.

(25) нинг ўнг томонини вақтинча маълум функция деб ҳисобласак, бу тенгламанинг (23) шартларни қаноатлантирувчи ечимини Грин функцияси орқали қуйидагича

$$\tau(t) = \int_0^T \left\{ \int_0^s \tau'(\eta) [K_1(s, \eta) + K_2(s, \eta)] d\eta \right\} H(t, s) ds - \int_0^T f_4(s) H(t, s) ds + \varphi_3(0) + [\varphi_4(0) - \varphi_3(0)](t/T) \quad (26)$$

Кўринишда ифодалашимиз мумкин, бу ерда

$$H(t, s) = \begin{cases} t(s-T)/T, & 0 \leq t \leq s; \\ s(t-T)/T, & s \leq t \leq T. \end{cases}$$

(26) тенгликдаги биринчи интегралда интеграллаш тартибини ўзгартириб, сўнгра ҳосил бўлган ифодадан  $t$  бўйича ҳосила олсак, кўйидаги

$$\tau'(t) - \int_0^T \tau'(\eta) K_3(t, \eta) d\eta = f_5(t) \quad (27)$$

интеграл тенгламага эга бўламиз, бу ерда

$$K_3(t, \eta) = \int_{\eta}^T [K_1(s, \eta) + K_2(s, \eta)] \frac{\partial}{\partial s} H(t, s) ds,$$

$$f_5(t) = \varphi_3(0) + [\varphi_4(0) - \varphi_3(0)](t/T) - \int_0^T f_4(s) H(t, s) ds.$$

(27) -  $\tau'(t)$  номаълум функцияга нисбатан иккинчи тур Фредгольм интеграл тенгламаси бўлиб, унинг ечими мавжудлиги  $I_0$  масала ечимининг ягоналигидан келиб чиқади.

(27) интеграл тенгламадан  $\tau'(t)$  номаълум функция топилгандан сўнг,  $\tau(0) = \varphi_3(0)$  эканлигидан фойдаланиб,  $\tau(t)$  номаълум функция бир қийматли аниқланади.  $\tau(t)$  нинг топилган бу ифодасини (13) га кўйиб,  $\varphi(t)$  номаълум функцияни ҳам бир қийматли аниқлаймиз.

Шундан сўнг,  $I$  масаланинг ечимини  $D_1$  соҳада (8) формула билан,  $D_2$  соҳада эса  $L_2 u = 0$  тенглама учун (4), (5) ва  $u(0, t) = \tau(t)$ ,  $t \in [0, T]$  шартлар билан кўйилган биринчи чегаравий масаланинг ечими сифатида кўйидаги

$$u(x, t) = \int_0^T \tau(\eta) G_1(x, t; 0, \eta) d\eta +$$

$$+ \int_x^0 \varphi_3(\xi) G_{1\eta}(x, t; \xi, 0) d\xi - \int_x^0 \varphi_4(\xi) G_{1\eta}(x, t; \xi, T) d\xi$$

кўринишда аниқланади, бу ерда

$$G_1(x, t; \xi, \eta) = [4\pi(\xi - x)]^{-1/2} \times$$

$$\times \sum_{n=-\infty}^{+\infty} \left\{ \exp\left[-\frac{(t - \eta - 2nT)^2}{4(\xi - x)}\right] - \exp\left[-\frac{(t + \eta - 2nT)^2}{4(\xi - x)}\right] \right\}.$$

Шу билан  $I_0$  масала ечими тўла ҳал бўлди.

#### Адабиётлар

- [1] Джураев Т.Д. Уравнения смешанного-составного типов. –Ташкент: Фан. 1979.
- [2] Ўринов А.Қ. Махсус функциялар ва махсус операторлар. -Фарғона: Фарғона нашриёти, 2011.
- [3] Ильин А.М., Калашников А.С., Олейник О.А. Линейные уравнения второго порядка параболического типа // УМН, 1962, Т.17, Вып.3.,с. 3-141.

УДК 621.315.592

ТЕОРЕТИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ЛИНЕЙНО-ЦИРКУЛЯРНОГО ДИХРОИЗМА  
ЧЕТЫРЕХФОТОННОГО ПОГЛОЩЕНИЯ В p-GaAs

В.Р. Расулов, Р.Я. Расулов, Б.Б. Ахмедов, О. Нурматов

Ферганский государственный университет  
(Получена 14.05.2015 г.)

*p-GaAs* тур ярим ўтказгичларнинг валент зонаси тармоқларида кечадиган кўп фотонли оптик ўтишларнинг матрица элементлари ҳисобланган. Бу ҳолда ёруғликнинг бир вақтнинг ўзида икки фотон ютилиши, шунингдек яқка фотонли ютилишлари алоҳида-алоҳида эътиборга олинган.

Кўп фотонли оптик ўтиш матрица элементларнинг коваклар тўлқин вектори фазовий бурчакларига нисбатан ҳисобланган ўрта қийматлари учун ифодалар аниқланган.

Ёруғликнинг мураккаб валент зонали ярим ўтказгичда кўп фотонли ютилишига тегишли ясси-циркуляр дихроизми назарий таҳлил қилинган.

**Таянч сўзлар:** матрицавий элемент, фотон, қутбланган ёруғлик, оптик ўтиш, коваклар, валент зона, ярим ўтказгич.

Рассчитаны матричные элементы оптических переходов, протекающих между подзонами валентной зоны полупроводника типа *p-GaAs*. При этом учтены переходы, связанные как с неодновременным поглощением отдельных фотонов, так и одновременным поглощением двух фотонов.

Получены выражения для средних значений квадрата модуля матричных элементов, рассчитанные относительно телесного угла волнового вектора дырок.

Теоретически анализирован линейно-циркулярный дихроизм четырех фотонного поглощения света в полупроводниках со сложной валентной зоной.

**Ключевые слова:** матричный элемент, фотон, поляризованный свет, оптический переход, дырки, валентная зона, полупроводник.

Matrix elements of optical transitions that occur between the subbands of the valence band of the *p-GaAs* are calculated. The transitions are taken into account, associated with both non-simultaneous absorption of individual photons, and the simultaneous absorption of two photons.

Expressions are obtained for the mean values of the squared modulus of the matrix elements calculated with respect to the solid angle of the wave vector of the holes. Theoretically analyzed the linear circular dichroism of four-photon absorption of light in semiconductors with a complex valence band.

**Keywords:** matrix element, photon, polarized light, optical transition, hole, valence zone, semiconductor.

Хотя линейное (однофотонное) поглощение света в полупроводниках, обусловленное оптическими переходами между подзонами легких и тяжелых дырок валентной зоны, исследуется как теоретически, так и экспериментально уже довольно давно [1], но вопрос о четырех фотонном поглощении поляризованного излучения остается открытым.

Поэтому ниже рассмотрим многофотонное поглощение поляризованного излучения в полупроводниках типа *p-GaAs*, обусловленное прямыми оптическими переходами между подзонами легких и тяжелых дырок. При этом считаем, что энергия фотона  $\hbar\omega$  удовлетворяет неравенства  $\hbar\omega \ll E_g, \Delta_{co}$ , где  $E_g$  - ширина запрещенной зоны,  $\Delta_{co}$  - спин-орбитальное расщепление валентной зоны. При этом оптическое поглощение можно рассматривать в рамках эффективного гамильтониана  $H(\vec{k})$  [2-4], заменяя в нем  $\vec{k}$  на  $\vec{k} = -i\vec{\nabla} - \frac{e}{c\hbar} \vec{A}$ , где  $\vec{A} = A_0(\vec{e} e^{i\vec{N}\vec{r}-i\omega t} + \vec{e}^* e^{-i\vec{N}\vec{r}+i\omega t})$ ,  $A_0$  - амплитуда векторного потенциала электромагнитной волны.

В силу малости волнового вектора фотона ( $\vec{N}$ ) по сравнению с волновым вектором

электрона (дырки), образовавшего в результате поглощения, при расчете коэффициента  $N$  – фотонного поглощения света ( $K^{(N)}$ ) можно считать  $\vec{N} \ll \vec{k}$  и положить  $\vec{N} = 0$  (однако, при рассмотрении эффекта увлечения будут учтены линейные по импульсу фотона члены в скорости оптических переходах). В пространственно однородном случае для линейно поляризованного света матричные элементы оператора электрон-фотонного взаимодействия состоят из двух составляющих, одна из которых описывает однофотонного взаимодействия, а вторая описывает взаимодействия электронов с двумя одновременно поглощающимся фотонами [5]. В этих условиях поглощения света линейной и циркулярной поляризации при расчетах составных матричных элементов  $M_{n\vec{k}',n\vec{k}}^{(N)}$   $N$ -фотонных переходов в методе эффективного гамильтониана достаточно рассматривать виртуальные состояния в пределах в той же зоне  $\Gamma_8^+$ . Тогда следуя по [5] коэффициент  $N$  фотонного поглощения можно записать в виде

$$K^{(N)} = \frac{2\pi}{\hbar} \frac{\hbar\omega}{I} \sum_{\vec{k}, m=\pm 1/2, m'=\pm 3/2} (f_{1\vec{k}}^{(N)} - f_{2\vec{k}}^{(N)}) |M_{m,m'}^{(N)}(\vec{k})|^2 \delta(E_{2\vec{k}} - E_{1\vec{k}} - N\hbar\omega), \quad (1)$$

где  $M_{m,m'}^{(N)}(\vec{k})$  – матричный элемент оптического перехода из состояния  $|m'\vec{k}\rangle$  в  $|\vec{k}$  – волновой вектор дырок,  $I = \frac{n_\omega \omega^2 A_0^2}{2\pi c}$  ( $A_0$ ) – интенсивность (амплитуда вектора потенциала) света,  $E_{l\vec{k}}$  – энергетический спектр дырок в подзоне  $l$  ( $l=1(l=2)$  – для тяжелых (легких) дырок),  $f_{l\vec{k}}^{(N)}$  – их неравновесная функция распределения при  $N$ -фотонном поглощении света,  $n_\omega$  – коэффициент преломления на частоте  $\omega$ ,  $\hbar\omega$  – энергия фотона. Остальные величины общеизвестны. Здесь электронам в подзоне  $l=1$  (тяжелые дырки) соответствуют состояния с проекцией  $m = \pm 3/2$  углового момента на направление  $\vec{k}$ , а электронам в подзоне  $l=2$  (легкие дырки) – состояния с  $m = \pm 1/2$ .

Отметим, что в дальнейшем однофотонный переход изобразим как  $(m') \rightarrow (m)$ , а двухфотонный –  $(m') \Rightarrow (m)$  и они соответствуют матричным элементам  $M_{m,m'}^{(1)}(\vec{k})$  и  $M_{m,m'}^{(2)}(\vec{k})$  соответственно.

После несложных преобразований нетрудно получить выражения для коэффициента поглощения без учета когерентного насыщения носителей ока в конечном состоянии

$$K^{(N)} = N \frac{2\pi}{\hbar} \frac{\hbar\omega}{I} \left[ |M_{+1/2,+3/2}^{(N)}(\vec{k})|^2 + |M_{-1/2,+3/2}^{(N)}(\vec{k})|^2 \right] \rho(N\hbar\omega) f_N, \quad (2)$$

где  $\rho(N\hbar\omega) = \sum_{\vec{k}} \delta(E_{2\vec{k}} - E_{1\vec{k}} - N\hbar\omega) = \frac{1}{\pi^2} \frac{m_{21}}{\hbar^2} k_N$ ,  $f_N = \exp\left(\frac{E_F - NE^*}{k_B T}\right) \left[ 1 - \exp\left(-\frac{N\hbar\omega}{k_B T}\right) \right]$ ,

$$E^* = \frac{m_1 m_2}{m_1 - m_2} \hbar\omega, k_N \text{ удовлетворяет уравнения } -2Bk_N^2 = N\hbar\omega, E_F - \text{ энергия}$$

Ферми  $\langle \dots \rangle$  – означает угловое усреднение по волновому вектору дырок.

Из последнего соотношения видно, что для определения спектральной или температурной зависимости оптических параметров полупроводника, например  $K^{(N)}$ , надо рассчитать матричные элементы рассматриваемых оптических переходов и их ниже будем анализировать для конкретных случаев.

Приведем вначале общую формулу для матричного элемента двухфотонных электронных переходов

$$M_{m\vec{k},m'\vec{k}}^{(2)} = M_{m,m'}^{(2)}(\vec{k}) = \sum_{m''=\pm 1/2, \pm 3/2} \frac{M_{m,m''}^{(1)}(\vec{k}) M_{m'',m'}^{(1)}(\vec{k})}{(E_{m''\vec{k}} - E_{m'\vec{k}} - \hbar\omega)} - \left( \frac{eA_0}{c\hbar} \right) \left[ H_{\Gamma_6}^{(2)}(\vec{e}') \right]_{m,m'}, \quad (3)$$

где  $H_{\Gamma_6}^{(2)}(\vec{e}') = H_{\Gamma_6}^{(2)}(\vec{k} \rightarrow \vec{e}')$ ,  $H_{\Gamma_6}^{(2)}(\vec{k})$  – эффективный гамильтониан дырок в представлении Латтинжера-Кона [2], вектор  $\vec{e}'$  имеет компоненты  $e_{x'}, e_{y'}, e_{z'}$ ,  $e_{x'}, e_{y'}$  – проекции вектора поляризации света  $\vec{e}$  на оси  $x', y'$ , перпендикулярные волновому вектору  $\vec{k}$ . Заметим, что второе слагаемое (3) в методе эффективной массы описывает двухфотонные оптические переходы с виртуальными состояниями в других зонах (5), т.е. это слагаемое учитывает вклад в  $M_{m\vec{k}, m'\vec{k}}^{(2)}$  промежуточных состояний в других зонах; знак минус в этом слагаемом связан с тем, что в  $\vec{k} \cdot \vec{p}$  методе энергетический знаменатель имеет вид типа  $(E_{\Gamma_6} - E_c)$ , а в остальном матричном элементе двухфотонного перехода аналогичный знаменатель записывается как  $(E_{\Gamma_6} - E_c - \hbar\omega) \approx -(E_{\Gamma_6} - E_c)$  при  $|E_{\Gamma_6} - E_c| \ll \hbar\omega$ . Тогда матричный элемент этого оператора для переходов  $(2, \vec{k}, m) \rightarrow (1, \vec{k}, m')$  в сферическом приближении равен

$$\hat{F}_{1,m'}^+(\vec{k}) H_0 \left( \frac{e}{c\hbar} \vec{A} \right) \hat{F}_{2,m}(\vec{k}) = \left( \frac{eA_0}{c\hbar} \right)^2 \left[ -B \frac{m_0^2}{\hbar^2} \sum_{\alpha} (\hat{J}_{\alpha} e_{\alpha})^2 \right]_{m'm}, \quad (4)$$

где матрица-столбец  $\hat{F}_{lm}(\vec{k})$  – блоховская амплитуда волновой функции дырок в подзоне  $(l, m, \vec{k})$  [2,3].

Поскольку нас интересуют оптические переходы типа  $|\pm 3/2\rangle \mapsto |\pm 1/2\rangle$ , поэтому ниже приводим выражения для  $N$  фотонного матричного элемента. При расчете  $\|M_{m,m'}^{(N)}\|$  учтены следующие переходы:

для  $N = 2$ :

$$(\pm 3/2) \rightarrow (m'') \rightarrow (\pm 1/2), (\pm 3/2) \rightarrow (m'') \rightarrow (\mp 1/2), (\pm 3/2) \Rightarrow (\pm 1/2), (\pm 3/2) \Rightarrow (\mp 1/2);$$

для  $N = 3$ :  $(\pm 3/2) \rightarrow (m'') \rightarrow (m''') \rightarrow (\pm 1/2)$ ,  $(\pm 3/2) \rightarrow (m'') \rightarrow (m''') \rightarrow (\mp 1/2)$ , а

также  $(\pm 3/2) \Rightarrow (m''') \rightarrow (\pm 1/2)$ ,  $(\pm 3/2) \Rightarrow (m''') \rightarrow (\mp 1/2)$ ;

для  $N = 3$ :  $(\pm 3/2) \rightarrow (m'') \rightarrow (m''') \rightarrow (\hat{m}) \rightarrow (\pm 1/2)$ ,  $(\pm 3/2) \rightarrow (m'') \rightarrow (m''') \rightarrow (\hat{m}) \rightarrow (\mp 1/2)$ , а

также  $(\pm 3/2) \Rightarrow (m''') \rightarrow (\hat{m}) \rightarrow (\pm 1/2)$ ,

$(\pm 3/2) \Rightarrow (m''') \rightarrow (\hat{m}) \rightarrow (\mp 1/2)$ ,  $(\pm 3/2) \Rightarrow (m''') \Rightarrow (\pm 1/2)$ ,  $(\pm 3/2) \Rightarrow (m''') \Rightarrow (\mp 1/2)$ , где

диаграммой  $(m''') \rightarrow (\hat{m})$  изображено однофотонное, а диаграммой  $(m'') \Rightarrow (m''')$  –

одновременное поглощение двух фотонов. Здесь отметим, что в расчетах  $\|M_{m,m'}^{(N)}\|$  также

учтены диаграммы, отличающие от вышеприведенных заменой  $(m'') \Rightarrow (m''')$  на  $(m'') \rightarrow (m''')$

и наоборот. В частности вклад в  $\|M_{m,m'}^{(2)}\|$  переходов  $(\pm 3/2) \Rightarrow (\pm 1/2)$  равен  $\sqrt{3} B m_0^2 e_z e_{\mp} / \hbar^2$ , а

для переходов  $(\pm 3/2) \Rightarrow (\mp 1/2)$  имеем:  $\frac{\sqrt{3}}{2} B m_0^2 (e'_{\mp})^2 / \hbar^2$ . Это совпадает с результатами,

получающимися при явном учете виртуальных состояний в зоне  $(c, \Gamma_6)$  [3]. Таким образом,

нетрудно получить следующие, полезные как для расчета спектральной и температурной зависимости  $K^{(N)}$ , так и тока  $N$ -фотонного увлечения:

$$\|M_{m,m'}^{(2)}(\vec{k})\| = \frac{\sqrt{3}}{2} \left( \frac{eA_0}{c\hbar} \right)^2 B \begin{vmatrix} 6e'_z e'_- & e'^2_- \\ e'^2_+ & 6e'_z e'_+ \end{vmatrix}, \quad (5)$$

$$\|M_{m,m'}^{(3)}(\vec{k})\| = -\frac{\sqrt{3}}{3} \left( \frac{eA_0}{c\hbar} \right)^3 \frac{B^2 k_3}{\hbar\omega} \left\| \begin{array}{cc} e'_+ (136e_z'^2 - 13e_\perp'^2) & 16e_z e'_+ \\ -16e_z e'_- & e'_- (136e_z'^2 - 13e_\perp'^2) \end{array} \right\|, \quad (6)$$

$$\|M_{m,m'}^{(4)}(\vec{k})\| = -\frac{\sqrt{3}}{6} \left( \frac{eA_0}{c\hbar} \right)^4 \frac{B^2 (Bk^2)}{\hbar\omega (\hbar\omega)^2} \left\| \begin{array}{cc} 4e_z e'_- (18e_z'^2 - 5e_\perp'^2) & 3e_+'^2 (12e_z'^2 - |e'_+|^2) \\ -3e_-'^2 (12e_z'^2 - |e'_+|^2) & 4e_z e'_+ (18e_z'^2 - 5e_\perp'^2) \end{array} \right\|, \quad (7)$$

где  $e'_\pm = e_x \pm e_y$ .

Теперь приведем выражения для  $\langle |M_{n'k',nk}^{(N)}|^2 \rangle$ , т.е. для квадрата абсолютного значения матричного элемента  $M_{n'k',nk}^{(N)}$ , усредненный по телесным углам волнового вектора дырок, с помощью которых определяется  $K^{(N)}$ :

$$\left\langle \left| M_{m,m'}^{(2)} \right|^2 \right\rangle_{linear} = \frac{\xi^4}{20} \left\| \begin{array}{cc} 12 & 8 \\ 8 & 12 \end{array} \right\|, \quad \left\langle \left| M_{m,m'}^{(2)} \right|^2 \right\rangle_{circ} = \frac{\xi^4}{20} \left\| \begin{array}{cc} 6 & 7 \\ 7 & 6 \end{array} \right\|, \quad (8)$$

$$\left\langle \left| M_{m,m'}^{(3)} \right|^2 \right\rangle_{linear} = \frac{\xi^6}{105\hbar\omega} \left\| \begin{array}{cc} 7700 & 64 \\ 64 & 7700 \end{array} \right\|, \quad \left\langle \left| M_{m,m'}^{(3)} \right|^2 \right\rangle_{circ} = \frac{\xi^6}{105\hbar\omega} \left\| \begin{array}{cc} 7021 & 104 \\ 104 & 7021 \end{array} \right\|, \quad (9)$$

$$\left\langle \left| M_{m,m'}^{(4)} \right|^2 \right\rangle_{linear} = \frac{10}{2835} \frac{\xi^8}{(\hbar\omega)^2} \left\| \begin{array}{cc} 2240 & 96768 \\ 96768 & 2240 \end{array} \right\|, \quad \left\langle \left| M_{m,m'}^{(4)} \right|^2 \right\rangle_{circ} = \frac{10}{2835} \frac{\xi^8}{(\hbar\omega)^2} \left\| \begin{array}{cc} 632 & 3429 \\ 3429 & 632 \end{array} \right\| \quad (10),$$

где  $\xi = \frac{eA_0}{c\hbar} \sqrt{B}$ .

Уместно заметить здесь, что в общем случае нужно учитывать «нелинейность» по интенсивности возбуждающего света – насыщение однофотонного поглощения поляризованного света, которая обусловлена изменением в поле сильной электромагнитной волны «резонансного» дырочного вклада в коэффициент поглощения света. Тогда при расчетах коэффициента поглощения света  $K^{(N)}$  ( $N=2,3,4$ ), обычно, пренебрегая волновым вектором света, т.е. считая, что  $k' = k_{1,2,3,4} \cong k$ , в сферическом приближении в эффективном гамильтониане дырок имеем

$$K^{(N)} = \frac{2\pi}{\hbar} N\hbar\omega \frac{1}{I} \rho(N\hbar\omega) F(\beta, N, \omega) \sum_{m'=\pm 1/2, m=\pm 3/2} \left\langle \frac{|M_{m'm}^{(N)}(\vec{k})|^2}{\sqrt{1 + 4 \frac{\alpha_\omega}{\hbar^2 \omega^2} |M_{m'm}^{(N)}(\vec{k})|^2}} \right\rangle, \quad (6)$$

где  $F(\beta, N, \omega) = [1 - \exp(-N\hbar\omega)/(k_B T)] \exp[(E_F - E_1^{(N)})/k_B T]$ ,  $\alpha_\omega = 6\omega^2 T_1^{(N)} T_2^{(N)} \frac{I}{I_0}$ ,

$E_1^{(N)} = N E_1^*$ ,  $E_1^* = \frac{m_1 m_2}{m_1 - m_2} \hbar\omega$ ,  $I_0 = \frac{c n_\omega \hbar^3 \omega^3}{2\pi |B|}$ ,  $E_F$  – энергия Ферми,  $\rho(N\hbar\omega) = \mu_- k_\omega^{(N)} / (\pi^2 \hbar^2)$  –

приведенная плотность состояний,  $\mu_- = \frac{m_1 m_2}{m_1 - m_2}$ ,  $k^{(N)} = (2\mu_- N\omega/\hbar)^{1/2}$ ,  $\left\langle |M_{m'm}^{(N)}(\vec{k})|^2 \right\rangle$  –

квадрат абсолютного значения матричного элемента  $M_{m'k',mk}^{(N)}$ , усредненный по всем

направлениям вектора  $\vec{k}$ . Например, для p-GaAs и  $I_0 = 13420 \frac{kWt}{cm^2}$  при

$\hbar\omega = 17 meV$ ,  $m_2 = 0,045 m_0$ .

Из последнего видно, что вероятности как одного, так и многофотонных переходов зависят от степени поляризации света, т.е. имеет место линейно-циркулярный дихроизм

однофотонного, но нелинейного по интенсивности, поглощения света в полупроводнике со сложной валентной зоной, а также в размерно-квантованных структурах в квантовой яме, в квантовой нити. Естественно физическая природа этого случая зависит от выбора модели задачи, например, от структуры зоны полупроводника. Этот случай требует отдельного рассмотрения, к которому будет посвящена отдельная работа.

**Список литературы**

- [1] Р.Я. Расулов. Дисс. на соиск. уч. ст. докт. физ.-мат. наук. ФТИ РАН им. акад. Иоффе С.-П. 1993 г. -368 с.
- [2] Г.Л.Бир, Г.Е.Пикус Симметрия и деформационные эффекты в полупроводниках. М.: Наука. 1973.
- [3] Е.Л.Ивченко, Р.Я.Расулов. Симметрия и реальная зонная структура полупроводников. Ташкент. Фан. - 1989. -126 С.
- [4] G.Pikus, E.Ivchenko. Superlattices and Other Heterostructures: Symmetry and Optical Phenomena, Springer Series in Solid-State Sciences,-V. 110., Springer-Verlag, Berlin, Heidelberg,-1995,-657 p.; second edition 1997.
- [5] С.Д.Ганичев, Е.Л.Ивченко, Р.Я.Расулов, И.Д.Ярошецкий, Б.Я.Авербух ЖЭТФ. -1993. -Т.35. -С.-198-207; Расулов Р. Я. ФТТ. -1993. -Т.35. -В.6. -С.1107-1112.
- [6] E.L.Ivchenko. Optical Spectroscopy of Semiconductor Nanostructures // E.L. Ivchenko. - Harrow : Alpha Science International Ltd. , 2005. - XII, 427 p.
- [7] С.Д.Ганичев, Е.Л.Ивченко, Р.Я.Расулов, И.Д.Ярошецкий, Б.Я.Авербух// ФТТ. 1993. Т.35. с.198-207.



УДК 621.01

## КОМБИНАЦИЯЛАШГАН АГРЕГАТ ПАРРАКЛИ БАРАБАНИНИНГ ПАРАМЕТРЛАРИНИ ПИЁЗ УРУҒЛАРИНИНГ КЎМИЛИШ ЧУҚУРЛИГИ ВА УНИБ ЧИҚИШИГА ТАЪСИРИ

А. Джураев, А. Тўхтақўзиев, В. Турдалиев

Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти  
(Қабул қилинди 24.05.2015 й.)

Мақолада тупроққа экиш олдидан ишлов берувчи ва майда уруғли сабзавот экинларини экувчи комбинациялашган агрегат парракли барабанининг айланишлар сони, парраклар сони, парраклар баландлиги ҳамда агрегат ҳаракат тезлигининг пиёз уруғларининг кўмилиш чуқурлиги ва униб чиқишига таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тажрибавий тадқиқотларнинг натижалари келтирилган.

**Таянч сўзлар.** Комбинациялашган агрегат, парракли барабан, агрегатнинг ҳаракат тезлиги, парракли барабанининг айланишлар сони, парраклар сони, парраклар баландлиги, уруғларни кўмилиш чуқурлиги, униб чиққан кўчатлар сони.

В статье приведены результаты экспериментальных исследований по изучению влияния число оборотов лопастного барабана, числа лопастей, высоты лопастей и скорости движения комбинированного агрегата для предпосевной обработки почвы и сева мелкосеменных овощных культур на глубину заделки и прорастания семян лука.

**Ключевые слова.** Комбинированный агрегат, лопастной барабан, скорость движения агрегата, частота вращения лопастного барабана, число лопастей, высота лопастей, глубина заделки семян, количество всходов.

Results of the experimental studies are brought in the article on study of the influence number turn of the blade drum, numbers of the blades, heights of the blades and velocities of the moving the multifunction unit for before sowing processing of ground and sowing dust seed vegetable cultures on depth of the sealing-off and germinations seed pommel.

**Key words.** Combined aggregate, blade drum, velocity of the moving the unit, frequency of the rotation of the blade drum, number of the blades, height of the blades, depth of the sealing-off seed, number of rising.

Қишлоқ хўжалигида тупроққа экиш олдидан ишлов бериш бир неча агрегатлардан фойдаланиб ўтказиладиган куйидаги агротехник тадбирлардан иборат: бороналаш, бир йўла минерал ўғит солиш билан бирга чизеллаш, текислаш ва молалаш. Турли агрегатлар билан даладан бир неча марта ўтиб ишлов берилганда тупроқ ортикча зичлашади, унинг структураси ёмонлашади ва кўп миқдордаги ёнилғи-мойлаш материаллари сарфланади. Бундан ташқари кўпчилик хўжаликларда экиш мавсумида 0-10 см қатламдаги тупроқ таркибининг 40-70% ини диаметри 10 см ва ундан юқори, майдаланиши қийин бўлган кесаклар ташкил қилади [1]. Бундай кесакларнинг мавжудлиги тупроқни экишга тайёрлаш ва майда уруғли экинларни экиш сифати ҳамда униб чиқишига салбий таъсир кўрсатади.

Юқоридагидан келиб чиқиб узатиш механизмида таркибли юлдузчали занжирли узатма бўлган тупроққа экиш олдидан тасмалаб ишлов берувчи ва шу ишлов берилган зонага майда уруғли сабзавот экинларини экувчи комбинациялашган агрегат конструкцияси ишлаб чиқилди.

Комбинациялашган агрегат куйидаги тартибда ишлайди: иш жараёнида фрезали барабан ҳаракатни таркибли юлдузчали занжирли узатма орқали тракторнинг кувват олиш вали (ҚОВ)дан олиб, кесакларни майдалайди. Бунда таркибли юлдузчанинг эластик элементи иш жараёнида фрезали барабанга кесаклар томонидан кўрсатиладиган қаршилиқлар ўзгарувчан бўлганлиги сабабли деформацияланиб, қўшимча зарб кучларини пайдо бўлишига олиб келади. Бу эса кесакларни майдаланиш жараёнини жадаллаштиради. Майдаланган майин тупроқни парракли барабан парраклари орқали олиб, тўскич жойлашган зонага ташлайди. Бу зонага ташланган тупроқ уруғ новидан ёйилиб тушаётган уруғлар билан

аралашиб, ишлов берилган тасма юзасига келиб тушади. Бунда уруғлар 2-3 см қалинликдаги тупроқ билан кўмилади. Натижада уруғларни бир текис униб чиқишини таъминлашга асос бўлади. Уруғлар тупроқ билан аралашиб, кўмилгандан сўнг эгат очгич ёрдамида суғориш эгати очилади. Эгат очилгач цилиндрик зичловчи-текисловчи ғалтакмола ёрдамида уруғ ташланган зона текисланади ҳамда зичланади. Фрезали ва парракли барабанларнинг тупроққа ботиш чуқурлиги мос равишда босим пружиналари билан жиҳозланган ростловчи винтлар ёрдамида соланади.

Комбинациялашган агрегат парракли барабани параметрларини асослаш мақсадида дала шароитида уларнинг уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги ва кўчатларни униб чиқишига таъсирини ўрганиш бўйича тажрибавий тадқиқотлар олиб борилди. Тадқиқотлар парракли барабаннинг қуйидаги параметрларида ўтказилди: парракли барабаннинг айланишлар сони- 150, 200, 250 ва 300 айл/мин; парраклар сони- 6, 8, 10 ва 12 та; паррак баландлиги -20, 30, 40 ва 50 мм; агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5-8 км/соат.

Тажрибаларни ўтказишда парракли барабан айланишлар сонини ўзгартириш қурилма узатиш механизмидаги занжирли узатма юлдузчаларини алмаштириш, парраклар сони ва баландлигини ўзгартириш эса қурилмага мос равишдаги барабанларни ўрнатиш йўли билан амалга оширилди.

Агрегат тезлигини уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги ва униб чиқишига таъсирини ўрганишда тезлик трактор узатмалар қутисининг узатмалар сонини ўзгартириш ҳисобига ўзгартирилди ва ҳақиқий тезлик босиб ўтилган йўлни вақтга нисбати бўйича аниқланди.

Тажрибаларда олинган натижалар 1-3-жадвалларда келтирилган.

Тажрибалар шуни кўрсатдики, агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5-7 км/соат бўлганда уруғларни кўмилиш чуқурлиги талаб даражасида, униб чиқиши юқори ва дала юзасида тақсимланиши бир меъёра бўлар экан. Бу 1-жадвалдаги маълумотлардан кўриниб турибди.

1-жадвал

Агрегат ҳаракат тезлигини уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги ва униб чиқишига таъсири

Т/р	Агрегат тезлиги, км/соат	Уруғларни кўмилиш чуқурлиги			0,5 м <sup>2</sup> майдонда униб чиққан кўчатлар сони, дона
		$M_{\text{ўр}}$ , см	$\pm \sigma$ , см	$V$ , %	
1	5	2,60	0,34	13,09	117,30
2	6	2,14	0,43	20,17	132,40
3	7	2,06	0,52	25,61	118,60
4	8	1,22	0,17	14,10	72,08

Агрегат тезлиги 5-7 км/соат оралиғида бўлганда парракли барабаннинг айланишлар сони 250 айл/мин дан ортиб кетса, барабан иш жараёнида тупроқни қовлаб ботиб кетиши кузатилди, 150 айл/мин бўлганда эса уруғларни кўмилиши ёмонлашди. Буни ҳисобга олган ҳолда парракли барабаннинг айланишлар сони 200-250 айл/мин оралиғида бўлиши лозимлиги аниқланди.

Парраклар сони 6 та бўлганда уруғларни кўмилиш чуқурлиги камайиб (2-жадвал), бир қисм уруғлар дала юзасида кўмилмай қолиб кетиши кузатилди. Бу ҳолат уруғ экилиши жараёнида аён бўлди. Лекин уруғлар шу ҳолатда ҳам униб чиқиши мумкинлигини аниқлаш мақсадида улар очиқ ҳолатда қолдирилди. Бундай ҳолатда уруғларни униб чиқиши ва кўчатларнинг ривожланиши жуда ҳам паст суръатларда бўлиши кузатилди. Парраклар сони 12 та бўлганда уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги 3 см дан ошиб кетди ва улар сийрак униб чиқди.

Парраклар сони 8 ва 10 та бўлганда уруғларни кўмилиш чуқурлиги ва униб чиқиши талаб даражасида, яни 2-3 см оралиғида бўлиши ва кўчатларнинг яхши ривожланиши аниқланди.

Парракли барабан парраклари сонини уруғлар кўмилиш чуқурлиги ва униб чиқишига таъсири

2-жадвал

Т/р	Парраklar сони, дона	Уруғларни кўмилиш чуқурлиги			0,5 м <sup>2</sup> майдонда униб чиққан кўчатлар сони, дона
		$M_{\text{yp}}$ , см	$\pm \sigma$ , см	$V$ , %	
1	6	1,05	0,14	13,46	64,52
2	8	2,24	0,44	19,68	125,26
3	10	2,06	0,33	16,41	127,70
4	12	3,78	0,99	26,42	84,21

Уруғларнинг кўмилиш чуқурлигига барабан парраклари баландлигининг таъсирини (3-жадвал) кўйидагича тушунтириш мумкин. Паррак баландлиги 20 мм бўлганда уруғлар етарли даражада кўмилмади, 30, 40 ва 50 мм бўлганда уруғлар тўлиқ кўмилди. Лекин парраklar баландлиги 50 мм бўлганда уруғларни кўмилиш чуқурлиги 3 см дан ортиб кетиб ва бунинг натижасида уруғларнинг нотеkis ва сийрак униб чиқиши кузатилди.

Парракли барабан парраклари баландлигини уруғларнинг кўмилиш чуқурлиги ва униб чиқишига таъсири

3-жадвал

Т/р	Паррак баландлиги, дона	Уруғларни кўмилиш чуқурлиги			0,5 м <sup>2</sup> майдонда униб чиққан кўчатлар сони, дона
		$M_{\text{yp}}$ , см	$\pm \sigma$ , см	$V$ , %	
1	20	1,35	0,42	31,43	59,02
2	30	2,26	0,36	15,90	121,14
3	40	2,44	0,32	13,70	124,54
4	50	3,42	0,70	20,52	70,62

Баландлик 30 мм ва 40 мм бўлганда кўмилиш чуқурлиги 2-3 см оралиғида бўлиб, уруғларни униб чиқиши бир текисда бўлиши кузатилди. Бундан ташқари униб чиққан кўчатлар яхши даражада ривожланиши ҳам аниқланди.

**Хулоса.** Юқорида келтирилган таҳлиллардан кўриниб турибдики, пиёз уруғини белгиланган меъёрлар асосида экиш учун агрегатнинг ҳаракат тезлиги 5-7 км/соат, парракли барабаннинг айланишлар сони 200-250 айл/мин, парраklarининг сони 8-10 та, баландлиги эса 30-40 мм бўлиши керак.

**Адабиётлар**

- [1] А. Жураев ва бошк. Тупроққа экиш олдида ишлов берувчи ва майда уруғли сабзавот экинларини экувчи комбинациялашган агрегат конструкциясини яратиш //Ресурстезамкор қишлоқ хўжалик машиналарини яратиш ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, Республика илмий-амалий конференцияси, Илмий мақолалар тўплами. –Гулбахор, 2014 й. -Б. 157-160.

УДК 669.122.4

**КЕСКИЧ АСБОБИГА НОАНЪАНАВИЙ ТЕРМИК ИШЛОВ БЕРИШНИНГ  
КЕСКИЧ ХОССАЛАРИГА ТАЪСИРИ**

А. Бурхонов, Р. Юсупова, А. Мамаханов, О. Абдужабборов, З. Абдуқаҳҳоров

*Наманган муҳандислик-технологияси институти  
(Қабул қилинди 01.05.2014 й.)*

Мақолада металл кескич асбоби материали ички ресурсларидан тўлароқ фойдаланиши учун термик ишлов бериши таъсири ўрганилган.

**Таянч сўзлар:** ноанъанавий усул, термик ишлов бериши, кескич асбоблари, механик хоссалари, қайта кристалланиши, тоблаш ҳарорати, кристалл панжара нуқсонлари, наклеп, аустенит, дислокация, структура, экстремал ҳарорат, бўшатиши ҳарорати, микроструктура, дислокация зичлиги.

В статье изучено как максимально использовать внутренние ресурсы материала режущего инструмента и влияние термической предыстории при термической обработки нетрадиционным методом на свойства материалов инструментов.

**Ключевые слова:** нетрадиционный метод, термообработка, режущие инструменты, механические свойства, перекристаллизация, температура закалки, кристаллическая решетка, дефекты, наклеп, аустенит, дислокация, структура, экстремальные температура, температура отпуска, микроструктура, плотность дислокации.

The article investigates how to use internal resources of a material of the cutting tool and influence on the thermal background at thermal processing by a nonconventional method on the properties materials of the tools.

**Keywords:** heat treatment cutting tools, mechanical properties, temperature of hardening, crystal lattice, defects, austenite, dislocation, structure, extreme temperature, temperature of holiday, microstructure, density of dislocation.

Металл кескич асбоблари материални умумий таҳлили уларнинг механик, технологик хоссаларини ўрганиши тақозо этади Қулайроқ термик ишлов бериш тарихини қўллаш яъни, экстремал ҳароратда тоблаш сўнгра бўшатиш билан материални бир неча йўналишда қўшимча хоссаларини яхшилаш мумкин. Бу структурани майдароқ донача олиш мақсадида қайта тоблашга тайёрлаш, субструктура яратиш ва унинг элементларини навбатдаги наслий қайта кристалланишгача сақлаш ва иккинчи фазага таъсирини ўрганиши талаб этади.

Термик ишлов бериш тарихи таъсирини шу тарафдан кўрилганда, шуни таъкиллаш керакки, экстремал ҳароратда тоблаш билан структурада  $\alpha$  фазанинг максимал дислокация зичлигини яратилишини, карбидларнинг ва бошқа қўшимча фазаларни эришини (кейинчалик бўшатишдан сўнг уларнинг дисперс бўлакчалар тарзида ажралиши), шунингдек қайта кристалланишдан сўнг аустенит доначаларининг майдаланишини таъминлайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, тадқиқотда олинган натижаларни солиштирилди. Асосий металл кескич асбоби материалдан (У8, У8А, У85А, У8Г) ташқари 40Х маркали кам легирилган пўлат олинди. Кўрсатилган пўлатни турлича ҳароратда тобланиб, 450 °С структурани текисловчи бўшатиш ўтказилди. Қайта наслий кристаллантириш ҳарорати армо-темир учун  $A_{сз} + 30 - 50^{\circ}C$  да, 40Х, У8, У8А, У85А, У8Г пўлатлари учун 870°Сда , ўтказилди. Жуда кўп тадқиқотларда исботланган кристалл панжараси нуқсонлари бир хилда эмаслиги аниқланди. Унинг максимум даражаси дастлабки термик ишлов беришда экстремал ҳароратида кўринган, бироқ унинг юқорироқ ҳарорат тамонга силжиши кузатилмаган.

Маълумки, янги  $\alpha - \gamma - \alpha$  алмашинишда кристалл панжараси нуқсонларининг максимал даражаси ҳолатини силжиши иккиламчи ички донадаги текстура билан, дастлабки йирик аустенит донаси ҳажмида янги ориентацияланган дона чегарасидаги микросилжишларнинг таъсири билан боғланади.

Дастлаб турлича ҳароратларда тобланган 40Х пўлатининг металлографик тадқиқотлари шуни кўрсатадики, янги аустенитнинг  $\alpha - \gamma - \alpha$  алмашинишда иккиламчи ички донадаги текстурада ривожланиш ўрни мавжуд.

Турлича ҳароратларда тобланган намуналар критик нукталар оралиғигача 760°Сда қиздирилди. Бундай қиздирилгандан сўнг намуналар тобланди. Аустенит ҳосил бўлган жойларда мартенсит алмашиниш содир бўлди.  $\alpha - \gamma$  алмашиниш содир бўлмаган жойларда структурада феррит-цементит аралашмаси мавжуд. Аввало аустенит дастлабки аустенит доначаси чегар доначаси ҳосил бўлади. Бир вақтнинг ўзида дастлабки аустенит доначаси ичида аустенит интенсив равишда ҳосил бўлади.

Умуман кристалл панжараси нуқсонлари даражаси иккинчи наслий қайта

кристалланишдан сўнг бир қатор омиллар ёрдамида иккинчи тоблашдаги мартенсит алмашилиш натижалари,  $\alpha - \gamma - \alpha$  алмашилишидаги дастлабки субмикроструктурадаги элементларнинг такрорланиши ва иккиламчи структура ички доналарини сақлаш натижасида содир бўладиган қўшимча микросилжишлар билан аниқланади [3].

1-расмдан кўринадики, кристал панжара нуқсонлари билан дастлабки тоблаш ва бўшатиш ҳароратлари орасида боғланиш мавжуд.

Кристалл панжараси нуқсонлари даражасининг сақланишини дастлабки термик ишлов бериш ҳароратига боғлиқлиги дастлабки субмикроструктурадаги элементларини такрорланишини исботлайди.

Аустенитнинг углерод билан бириккан қисми совутиш вақтида қайта ҳосил бўладиган пластинлар ҳисобига  $\gamma - \alpha$  фазадаги трооститнинг қорамтироқ кўринишини ҳосил қилади. Шаклланаётганган аустенит донаси тўла шакллангунча ўзида бутун донани кўринишида намоён бўлмайди. Пластиннинг камроқ оксидлангунча юзаси ичида майда аустенит доначалари чегараси яққол кўринади.

Маълумки,  $\alpha - \gamma - \alpha$  алмашилишдаги структуранинг тубдан ўзгариши, қачонки иккиламчи ички донали текстура йўқолгандагина мумкин бўлади. Фараз қилиш мумкинки, агар оралиқ бўшатиш билан икки марталаб тобланса, аустенитнинг қайта кристалланиши тезроқ бўлиб ўтади ва кристал панжара нуқсонлари фақат унинг дастлабки ҳолатдаги даражаси билан аниқланади. У85А пўлати бўйича тўлиқ маълумотларни текшириш ишлари натижасида олинган маълумотлардан олиш мумкин.


Юқорида қайд этилганларни тасдиқлаш мумкинки, бу пўлатларнинг юққа структурасига термик ишлов бериш тарихи таъсир этади.

Умуман, кристал панжара нуқсонларига қайта наслий кристаллантирилгандан ва тоблангандан сўнг бир қанча омиллар таъсир этади: иккинчи марта тоблангандан сўнг мартенсит алмашилишнинг натижаси,  $\alpha - \gamma - \alpha$  алмашилишдаги структурадаги элементларнинг такрорланишига, ички донавий структуранинг сақланиши натижасида кристалл панжараси даврини қўшимча силжишига боғлиқ бўлади.

Дастлабки термик ишлов бериш ҳароратига кристалл панжара нуқсонлари даражасини сақланишини боғлиқлиги дастлабки субмикроструктурадаги элементларни такрорланишини тасдиқлайди.

Дастлабки термик ишлов бериш жараёнидан кўринадики, барча пўлатларда экстеримал ҳарорат мавжуд бўлиб, бу ҳарорат углеродли ва камлегирланган пўлатларда 1100 °C ҳароратда бўлиб, бу ҳароратдан совутилганда структурада максимал дислокация зичлиги шаклланади. Металл кескич асбоби материали У8, У8А, У85А, У8Г пўлатларида эса экстремал ҳарорат 1150°C да бўлади. Техникавий темирни вакуумда киздириш даврида бир нечта вакуумнинг пасайиш нуқталари кузатилган. Бу нуқталар 280-310, 510-600 ва 1100-1120°C ҳароратларда кузатилади. Биринчи ва иккинчи ҳарорат намуналарнинг дегезацияси билан боғлаш мумкин, аммо 1100-1120°C да ҳароратдагиси эса қийин эрийдиган фазалар, асосан карбонитридлар, кислородли фазаларнинг диссоциаланиши билан боғлиқ.

Демак, шу фазаларнинг эришининг бошланиши қаттиқ эритмада кимёвий микронотекислик ҳосил қилади ва бу ҳолатдан тезда совутилганда  $\alpha$ -фазада кристалл тузилишининг нуқсонларини максимал даражаси шаклланади.  $\alpha$ - фаза кристаллик тузилиши нуқсонларига қийин эрийдиган фазалар билан биргаликда иккиламчи карбидларнинг ҳам эриши таъсир қилади.  $\alpha$ - фаза кристаллик тузилиши нуқсонларини аниқлашда ДРОН 3.0



1-расм. Кристал панжара нуқсонлари билан дастлабки тоблаш ва бўшатиш ҳароратлари орасида боғлиқлиги.

дифрактометридан фойдаланилди. Ҳар бир термик ишлов бериш режими учун алоҳида намуна  $\beta_{220}$  рентген чизиғи кенлиги ўзгариши бўйича аниқланди [5].

Ўтказилган ўрта бўшатиш ҳароратларида параметрлар умумий қиймати камайган бўлса-да, экстремал ҳарорат сақланиб қолди. Айтиш мумкинки, углеродли металл кескич асбоби пўлатларида экстремал ҳарорат фақат структурада максимал дислокация зичлигини таъминламай, бўшатиш жараёнидаги пўлатлар мустаҳкамлигининг камайишини кечиктиради.

Дастлабки термик ишлов бериш жараёнида структурада дислокация зичлиги ва иссиққа чидамлилигини оширади, бироқ экстремал ҳароратда тоблаш аустенит доначаларини кескин ўсишига ва мўрт емирилишга қаршилиқни камайишига сабаб бўлади.

Олинган натижалардан, дастлабки термик ишлов бериш жараёнига боғлиқ дислокация зичлигининг юқори даражаси сақланиб қолиши, дастлабки субмикроструктура элементларининг тикланишини кўрсатади.

Термик ишлов бериш тарихига боғлиқ равишда қаттиқ эритмада углерод атомларининг миқдори ўзгариб, экстремал ҳароратда минимал қийматга эга бўлди. Қолдиқ аустенитда углерод миқдори сезиларли даражада ортиб, экстремал ҳароратда максимал қийматга эга бўлди. Паст ҳароратда бўшатиш жараёни қолдиқ аустенитнинг углерод билан яна бойишига сабаб бўлди.

Бўшатиш ҳароратининг кўтарилиши қолдиқ аустенитнинг парчаланишини кўрсатди. Олинган натижаларга асосан, энг юқори бўшатиш ҳароратигача углерод атомларининг бир қисми дислокацияларда, бир қисми қаттиқ эритмада мавжуд, шунинг учун 1150°C тоблаш ҳароратида панжара даври минимал бўлади (2-расм).


Дастлабки термик ишлов бериш жараёни аустенит доначаларининг ўлчамига ҳам таъсир этади. 1100-1150°C да қийин эрийдиган фазаларнинг эриши кузатилади.

Юқори ҳароратда тоблаш барча карбидлар ва қийин эрийдиган фазаларни қаттиқ эритмага ўтказди. Ўрта бўшатиш ҳароратида карбидлар, қийин эрийдиган фазалар қаттиқ эритмадан майда заррачалар тарзида ажралади ва шу заррачалар такрор термик ишлов бериш жараёнида аустенит доначаларининг ўсиши учун тўсиқ ҳисобланади. Экстремал ҳароратда аустенит доначаларининг кичиклашиши 1-2 бални ташкил қилди ва пўлатнинг барча хоссалари ўзгарди (3-расм).

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, термик ишлов бериш жараёнини икки босқичда ўтказиш деталларни талаб этилган механик хоссаларини орттиришини кўрсатади. Бунинг учун термик ишлов беришнинг дастлабки босқичида детал 1100-1150°C ҳароратларда тобланиб, 550°C ҳароратда бўшатилади.

Юқори ҳароратда тоблаш натижасида аустенитда карбидларнинг эриши ортади. Бу эса пўлат структурасини ўзгаришига сабаб бўлади. Тобланиш деталларни тоблангандан сўнг совутиш тезлигини ортиши аустенитни перлитга айланишига улгурмайди. Натижада унда феррит ва цементит доналари анча майда бўлади, чунки пўлатни совутиш тезлиги бу доналарнинг ўсишига халақит беради [4].

Тоблаш ҳароратига боғлиқ равишда тобланган пўлатнинг структурасида бошқа параметрларнинг ўзгариши ҳам кузатилади. Агар пўлатни аустенит ҳолатигача



2-расм. Тоблаш ҳароратига боғлиқ У85А пўлатида қолдиқ аустенит  $\gamma$  нинг ва қолдиқ аустенитда углерод  $C$  нинг миқдори ўзгариши.

киздирилганда қийин эрийдиган фазаларнинг қўшимча эриши кузатилса, тоблашдан сўнг структурада қолдиқ аустенитнинг миқдори ортиши кузатилади [4].

Бироқ экстремаль ҳароратда тобланган наъмуналара эса қолдиқ аустенитнинг миқдори бир оз камайганлиги кузатилди. Экстремал ҳароратда тобланган намуналар тетрагональ кристалл панжараси мартенситда углерод миқдорининг камайиши маълум бўлди. Углерод атомларининг бир қисми мартенситдан чиқиб, қолдиқ аустенитдан жойлашади.

Термик ишлов беришнинг иккинчи босқичида юқори частотали ток (ЮЧТ) билан юзавий тоблаш ўтказилади, натижада одатдаги усулга нисбатан ЮЧТ тоблашда детал юзасининг қаттиқлиги 2-3 бирликка юқори бўлади. ЮЧТ да тоблангандан сўнг ички кучланишни йўқотиш учун 160-200 °С ҳароратда бўшатиш ўтказилади.

Таркибид углерод миқдори кам бўлган пўлатлар талаб этилган юзавий қаттиқликни таъминламайди, таркибида углерод миқдори кўп бўлган пўлатларда эса бундай тоблаш натижасида дарз кетишлар содир бўлиши мумкин.

Термик ишлов берилганда пўлатнинг кристалл доналари йириклашади, лекин карбид ва оксид заррачаларининг аустенитда тўла эришига ҳамда совиш жараёнида кристалл панжара нуксонларининг зичлиги ортишига эришилади [2]. Маълумки, кристалл панжара нуксонлари зичлигининг ортиши пўлат хоссаларининг ўзгаришига таъсир этади.

Хулоса қилиш мумкинки, тоблашни икки босқичда ўтказиш, дастлабки юқори ҳароратда тоблаш  $\alpha$ -фаза кристалл панжараси даврини камайишига, аустенит доначаларининг майдаланишига олиб келади, экстремал ҳароратда тобланган намуналар тетрагональ кристалл панжараси мартенситда углерод миқдорининг камайиши кузатилиши, бу эса ўз навбатида деталнинг хоссаларига таъсир этиб, унинг мустаҳкамлигини 11% дан 20% гача ортишига сабаб бўлди.

### Адабиётлар

- [1] Л.И. Миркин, Рентгеноструктурный контроль машиностроительных материалов. М.: Машиностроение. 1989. 138с.
- [2] А.Н. Иванов, Ю.О. Меженный и др. Сравнительное определение плотности дислокаций в поликристаллах по ширине рентгеновских линий и электронномикроскопически. Завод. лаборатория. 1990. № 2. с43-45.
- [3] А.А. Мухамедов. Некоторые особенности структурного наследования при фазовой перекристаллизации стали. МИТОМ. 1978. №3
- [4] В.Д. Садовский. Структурная наследственность в стали. М.: Металлургия. 1973. 204с
- [5] З. Абдукаххоров, А.А. Мухамедов. Бир неча марта қайта кристалланиш усули билан термик ишланган пўлатларда структураларнинг ҳосил бўлиши. Ёш олимларнинг илмий мақолалар тўплами. ТДТУ, Тошкент. 1993. 47-49 б.

УДК 631.62:626.844

## МЕЛИОРАТИВ РЕЖИМНИ СОЗЛАШ

О.Б. Имомназаров

*Наманган муҳандислик-педагогика институти  
(Қабул қилинди 11.12.2014 й.)*

*Мақолада мақбул мелиоратив режим тушунчаси таҳлил қилинган. Мелиоратив режим мезонлари ва уни созлаш ҳақида тушунча ҳамда сизот сувлари сатҳига боғлиқ равишда эвопотранспирациянинг ўзгаришини кўрсатиб берувчи экспериментал маълумотлар берилган.*

**Таянч сўзлар:** *сув ва ер ресурслари, сугорма ерлар, мелиоратив жиҳатдан ноқулай ерлар, шўр босган ерлар, сизот сувлари, мақбул мелиоратив режим, мелиоратив режим мезонлари, келтирилган харажатлар, мелиоратив режимни созлаш.*

*В статье анализировано понятие мелиоративного режима. Даны критерия и способы регулирования мелиоративного режима, а также экспериментальные сведения об изменении эвопотранспирации в зависимости от глубины залегания грунтовых вод.*

**Ключевые слова:** водные и земельные ресурсы, орошаемые земли, мелиоративно неблагоприятные земли, засоленные земли, грунтовые воды, оптимальный и мелиоративный режим, критерии мелиоративного режима, приведенные затраты, регулирование мелиоративного режима.

*The meaning of meliorative regime is analyzed in the article. Criteria and regulation methods of the meliorative regime are given as they depend on a level of soil water. Experimental information shows the changes on evapotranspiration.*

**Keywords:** water and land sources, watering lands, uncomfortable lands, salty lands, stable meliorative regime, basis of meliorative regimes, made expenses, control of the meliorative regime.

Бугунги кунда сув ва ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳар доимгидан ҳам долзарб бўлиб қолди. Чунки Амударё ва Сирдарё сув хавзалари атрофида жойлаган мамлакатларнинг сув ресурсларидан ўзларининг мамлакат ички эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда фойдаланиши ҳамда қўшни мамлакатлар ички эҳтиёжларини ҳисобга олинмаслиги сув ресурсларидан фойдаланишга бўлган муносабатларни ўзгартиришни тақозо қилмоқда. Бундан ташқари, мелиоратив жиҳатдан ноқулай ерларда сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган экологик муаммолар ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни интенсификациялаш зарурати суғориш учун ишлатиладиган сув ва суғорма ер майдонларидан тежамли ва самарали фойдаланишни таъминловчи тупроқ сув-туз режимини соzлашнинг ва суғориладиган ерларнинг шўрланишига қарши курашнинг янги усуллари ишлаб чиқишга зарурат туғилмоқда. Мелиоратив жиҳатдан ноқулай ерларнинг республикамизда кенг тарқалганлиги (республика Ер ресурслари давлат қўмитаси маълумотларига кўра, суғориладиган ҳайдалма ерларнинг умумий майдони 3,2 миллион гектарга яқин бўлиб, шундан 65 фоизга яқини турли даражада шўрланган) бу муаммонинг илмий асосда тезроқ ҳал қилинишини талаб қилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги экинлари экилаётган суғорма ерлар бирлик майдонидан олинаётган маҳсулот ҳажми ва шу маҳсулотни етиштириш учун сарфланаётган сув миқдори кўпгина омилларга боғлиқ. Шулардан энг асосийлари қуйидагилардир: суғориш техникаси, тупроқ фаол қатламидаги сув-туз режими, сизот сувлари сатҳи, экилган экин тури, агротехник тадбирлар ва инсон омили.

Тупроқдаги сув, туз, озик, иссиқлик ва ҳаво режимлари биргаликда мелиоратив режимни ташкил қилади. Мелиоратив режимга Н.М. Решёткина ва А.А. Рачинскийлар қуйидагича таъриф беришган: мелиоратив режим деб суғориш учун сув берувчи суғориш тармоқларининг сизот сувлари сатҳини бошқарувчи дренажлар билан биргаликда, маълум агротехник тадбирлар шароитида, қишлоқ хўжалиги экинларининг юқори ҳосилдорликка эришишни таъминловчи тупроқда вужудга келтириладиган намлик, ҳаво, ҳарорат, туз ва озиклантириш режимига айтилади [1]. Улар томонидан, суғориш учун ишлатиладиган сувларнинг сизот сувлари билан ўзаро таъсири ва сизот сувларининг тупроқ фаол қатламини озиклантиришдаги иштирокини ҳисобга олган ҳолда, мелиоратив режим тўрт турга бўлинган: 1) автоморф; 2) ярим автоморф; 3) ярим гидроморф; 4) гидроморф [1, 2]. Лекин юқоридаги тадқиқотчилар томонидан мазкур мелиоратив режимларнинг қайси бири энг мақбул эканлиги айтиб ўтилмаган бўлса-да, А.А. Рачинский охириги мелиоратив режимни энг номақбул деб ҳисоблайди.

Тупроқ фаол қатламида вужудга келган мелиоратив режимни бошқариш йўли билан суғориладиган ерлар бирлик майдонида эришиладиган қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва суғориш учун сарфланадиган сув миқдорини кўпайтириш ёки камайитириш мумкин. Мелиоратив режимга кўпгина омиллар таъсир қилсада, лекин уни бошқариш гидромелиоратив тизим воситасида амалга оширилади. Гидромелиоратив тизим ёрдамида мақбул мелиоратив режим (ММР) ҳосил қилиш ҳисобига, йилнинг иқлимий шароитларига боғлиқ бўлмаган ҳолда, қишлоқ хўжалиги экинларининг барқарор, юқори ҳосилдорлигига ва улар маҳсулотларининг бирлик миқдорини етиштириш учун ишлатиладиган сув сарфининг энг кам бўлишига эришилади.

Тупроқнинг шўрланиши, экинларнинг ҳосилдорлигига таъсир қилувчи бошқа



омилларга қараганда, кўпроқ зарар келтириши мумкин. В.А. Ковда ўзининг илмий тадқиқотлари асосида қуйидаги хулосаларни қилди: ғўза ҳосилдорлиги, шўрланмаган ерлардагига қараганда, кучсиз шўрланган ерларда 10-20%, ўртача шўрланган ерларда 30-40%, кучли шўрланган ерларда 60-70% ва ундан ҳам кўпроқ камаяди [3]. Фақат тупроқ шўрланганлиги оқибатида ҳар йили 1-1,5 миллион тонна қимматбаҳо пахта хом ашёси йўқотиляпти.

Мелиоратив режим гидротехник ва агротехник тадбирлар комплекси билан вужудга келтирилади. Муҳандислик иншоотлари билан бошқариладиган омиларга суғориш ва зах қочириш киради. Улар ёрдамида сув бериш ва зах сувларни қочириш ҳажминигина эмас, шунингдек, сизот сувларининг сатҳини ҳам ўзгартирамиз. Бу ўз навбатида, тупроқ юзасидан бўладиган буғланишга, транспирацияга, сизот сувларининг ер остидан келиши ва кетишига ҳамда аэрация зонаси тупроқ-грунтларининг туз режимига сезиларли таъсир қилади.

Мақбул мелиоратив режим ҳақидаги гипотезани қуйидагича қисқача ифодалаш мумкин. Сизот сувлари сатҳининг чуқурлиги ер юзасидан критик чуқурликкача бўлган ораликда ўзгариши мумкин ( $H_k$ ). Сизот сувлари сатҳининг ер юзаси томон кўтарилиши тупроқ мелиоратив ҳолатининг ёмонлашуви ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг пасайишига олиб келади. Бу эса суғориладиган бирлик ер майдонининг самарадорлигини пасайтиради. Аксинча, сизот сувлари сатҳининг ер юзасига яқин жойлашуви мавсумий суғориш меъёрининг ва агротехник тадбирларга бўладиган харажатларни камайтиради. Бундан ташқари, мавсумий суғориш меъёрининг камайиши ва сизот сувлари сатҳининг ер юзасига яқин жойлашуви суғориш ва зах қочириш тармоқларини қуриш ёки қайта қуриш харажатларининг камайишига олиб келади. Шунингдек, сизот сувлари сатҳининг критик чуқурликкача ёки ундан ҳам чуқурроқкача пасайтириш суғориш ва зах қочириш тармоқларини қуришга ҳамда суғориш ва агротехник тадбирларни ўтказишга бўладиган харажатларнинг ортишига олиб келади. Юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, сизот сувларининг шундай чуқурлиги мавжудки, комплекс тадбирлар асосида бундай чуқурлик суғориладиган ер майдонлари бўйлаб таъминланганда мақбул мелиоратив режим ҳосил қилинади, яъни суғориладиган бирлик ер майдони бўйича келтирилган харажатлар (3) энг кичик қийматга эга бўлади.

Мавжуд суғорма ер майдонларида мақбул мелиоратив режим ҳосил қилиш учун ишлатилаётган гидромелиоратив тизимларни илмий-техник асосда қайта қуриш зарур бўлади. Чунки мавжуд суғориш ва зах қочириш тармоқлари суғорма ер майдонларида ММР ҳосил қилмаётганлиги оқибатида бирлик ер майдонидан фойдаланиш самарадорлиги пасайиб кетмоқда. ММРни асослаш ва вужудга келтириш учун унинг илмий, техникавий ва иқтисодий мезонларини аниқлаб олиш ҳамда уларни танланган ҳудуд учун таъминлаш керак бўлади. ММРни аниқ бир майдон учун мақбуллаштириш масаласи билан кўпгина тадқиқотчилар (Н.М. Решеткина, А.А. Рачинский, И.П. Айдаров, А.И. Голованов, Ю.Н. Никольский, Э. Каримов, А. Ҳақимов ва бошқ.) шуғулланишган. Ҳар бир тадқиқотчининг мелиоратив режимни мақбуллаштириш бўйича ўз фикри ва хулосаси бор. Энг қувонарлиси, бу фикр ва хулосалар йилдан йилга теранлашиб, такомиллашиб бормоқда. Бугунги кунда мелиоратив режимни такомиллаштириш бўйича қилинаётган тавсиялар ичида энг мукаммали И.П. Айдаров, А.П. Голованов ва Ю.Н. Никольскийлар томонидан таклиф қилинганидир. Уларнинг фикрига кўра, тупроқда мақбул мелиоратив режимни таъминлашга хизмат қилувчи гидромелиоратив тизимлар вариантларини солиштиришга имкон берувчи универсал мезонлардан бири, яъни (капитал қўйилмалар, экинлар ҳосилдорлиги ва табиат муҳофазаси учун бўладиган харажатлар ҳамда мелиорация ҳисобига бир гектардан олинандиган қўшимча маҳсулотдан келадиган фойдани ҳисобга олувчи) келтирилган харажатлар кўринишида қуйидагича ифодалаш мумкин [4]:

$$Z = \frac{E(\bar{K}_d + K_{op} + K_m) + \frac{1}{n} \sum_i \sum_j \eta_y^i (C_{эк}^{ij} + C_{сх}^{ij} + C_3^i)}{\frac{1}{n} \sum_j (y^j \eta_y^i \Pi_y^i) \cdot s} \quad (1)$$

Бу ерда Е-дренаж ( $K_{др}$ ) ва суғориш ( $K_{ор}$ ) тармоклари қурилишига ҳамда мелиоратив тадбирлар ( $K_m$ ) комплекси (“қуруқ” мелиорация)ни амалга оширишга қилинган капитал харажатларни келтириш меъёрий коэффициенти.  $K_{др}$ ,  $K_{ор}$ ,  $K_m$ - мелиоратив ҳолати яхшиланаётган ҳудуд бир гектарига тегишли капитал харажатлар.  $n$ - мелиоратив режимлар ҳисоби амалга ошириладиган йиллар сони;  $C_{эк}^{ij}$  -  $j$  йилда  $i$  экин билан банд бўлган бир гектар майдондаги гидромелиоратив тармоқни ишлатиш учун қилинадиган харажатлар;  $C_{сх}^{ij}$  -  $j$  йилда  $i$  экин билан банд бўлган бир гектар майдондаги деҳқончилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга қилинган қишлоқ хўжалик сарфлари;  $Y^{ij}$  -  $i$  экиннинг  $j$  йилдаги ҳосилдорлиги;  $\eta_y^i$  - алмашлаб экишда  $i$  экин билан банд бўлган майдон қисми;  $\Pi_y^i$  -  $i$  экин сотиб олиш баҳоси;  $S$ - мелиоратив тадбирлар ўтказгунча ёки гидромелиоратив тизимни қайта қургунга қадар бир гектар майдондан олинадиган ишлоқ хўжалик маҳсулоти нархи;  $C_3^{ij}$ - яқунловчи харажатлар:

$$C_3^{ij} = C_B + C_{TP} + C_{II} + C_{OY} + C_{OT} \quad (2)$$

бу ерда  $C_B = O_p^i \Pi_y^i$  - суғориш учун табиий манбадан олинаётган сув нархи;  $O_p^i$  - мавсумий суғориш меъёри, “брутто”;  $\Pi_y^i$  - сув олиш иншоотининг жойлашишига боғлиқ равишда ўзгарувчи сув баҳоси;  $C_{TP}$  - гидромелиоратив тизим хизмат қиладиган суғорма ер майдонининг бир гектаридан фойдаланиш учун халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидан жалб қилинган меҳнат ресурслари нархи;  $C_{II}$  - мелиоратив ва агротехник тадбирларнинг нотўғри ташкил қилиниши оқибатида йўқолиши мумкин бўлган тупроқ унумдорлигини тиклашга қилинган харажатлар;  $C_{OY}$  - дренаж сувлари билан сув манбаларининг ифлосланишидан келадиган зарар учун компенсация;  $C_{OT}$  - сизот сувлари сатҳи кўтарилишини ёки қўшни ҳудудларда сизот сувлари сатҳининг ўта пасайиб кетишининг олдини олиш учун ҳамда сув манбалари гидрологик тартибининг салбий томонга ўзгаришининг олдини олиш учун харажатлар.

Юқоридаги (1) ифодада гидромелиоратив тизим хизмат қиладиган суғорма ер майдонидан фойдаланиш коэффициенти ( $E.F.K$ ) ҳисобга олинмаган. ММР ни ҳисоблашда  $E.F.K$  ни ҳисобга олиш орқали мелиоратив режимни янада мақбуллаштириш имконияти пайдо бўлади. Агар (1) ифодага  $E.F.K$  ни киритадиган бўлсак, у қуйидаги кўринишга келади:

$$Z = \frac{E(K_{др} + K_{ор} + K_m) + \frac{1}{n} \sum_i \sum_j \eta_y^i (C_{эк}^{ij} + C_{сх}^{ij} + C_3^{ij})}{\frac{1}{n} \sum_j [K_{yfk}^i (Y^{ij} \eta_y^i \Pi_y^i) - K_{yfk}^o S]} \quad (3)$$

$K_{yfk}^o$  - гидромелиоратив тадбирлар ўтказилгунга қадар бўлган ердан фойдаланиш коэффициенти;  $K_{yfk}^i$  - гидромелиоратив тадбирлар ўтказилгандан кейинги ердан фойдаланиш коэффициенти.

Келтирилган харажатлар (3) ни ҳисоблаш учун қўлланиладиган ифода (2) га асосан мелиоратив режим ҳосил қилувчи конкрет гидромелиоратив тизимлар комплексининг бир неча вариантлари учун келтирилган харажатлар ҳисоб-китоб қилинади ва улар ичидан энг мақбули танлаб олинади.

Келтирилган харажатлар қийматини ҳисоблашда гидромелиоратив тизимларни қайта қуришдан кейин иқтисод қилинадиган суғориш учун ишлатиладиган сувларнинг миқдори ва уларнинг нархи катта аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари сизот сувлари сатҳининг ер юзасига яқин жойлашиши оқибатида, эвопотранспирациянинг ортиши ҳисобига, қишлоқ хўжалиги экинлари бирлик ҳосилдорлигига тўғри келадиган сув сарфининг ортишини ҳисобга олиш бугунги куннинг энг зарурий шартларидан биридир. Сув танқислиги ва унинг нархи йилдан йилга ошиб бораётган ҳозирги вақтда мелиоратив тадбирлар асосида сув тақчиллиги муаммосини ечишни назарда тутмаслик мумкин эмас. Мутахассисларнинг ҳисобига қараганда Орол хавзасидаги сув захираларининг йиллик умумий ҳажми 114,5 км<sup>3</sup> бўлиб,

табiiй йўқотишлар ҳисобга олинса, у 102,5 км<sup>3</sup>га баробар бўлади. Сувнинг қайтадан ишлатиладиган қисми билан эса 125 км<sup>3</sup>ни ташкил қилади. Илмий жиҳатдан асосланганда, Орол бўйи давлатларнинг сувга бўлган эҳтиёжлари 2010 йилда 160 км<sup>3</sup> бўлган бўлса, 2020 йилда 180 км<sup>3</sup> бўлиши кутилмоқда. Кўриниб турибдики, сувга бўлган тақчиллик шу йилларда 35 ва 55 км<sup>3</sup> ни ташкил қилмоқда.

Ҳозирги кунда суғориладиган ер майдонидаги сув тежамкорлигига икки хил қараш мавжуд. Биринчи нуқтаи назар суғориш техникаси Ф.И.К. ни ошириш ҳисобига ва сизот сувлари сатҳини созлаш ёрдамида мавсумий суғориш меъёрини камайтириш йўли билан сув сарфини қисқартириш бўлса, иккинчи нуқтаи назар умумий сув истеъмоли (эвопотранспирация)ни камайтириш ҳисобига сувни тежашдир. Иккинчи тадбир сизот сувлари сатҳини пасайтириш орқали амалга оширилади. Бу икки тадбир юзаки қаралса, бир-бирига зидга ўхшайди. Чунки, сувни тежаш учун биринчи қарашга кўра, сизот сувлари сатҳини кўтариш керак бўлса, иккинчи қарашга кўра сизот сувлари сатҳини пасайтириш керак. Ҳар иккисида ҳам суғориш техникаси Ф.И.К ини ошириш зарурий шарт ҳисобланади.

ММР ни аниқлашда суғориш меъёрининг ва эвопотранспирациянинг қисқариши ҳисобига тежаладиган сув микдорининг нархи ва у қайта ишлатилганда келадиган иқтисодий самара ҳисобга олинishi керак бўлади. Бунда ҳар икки усул билан тежалган сув нархи бир-биридан фарқ қилишини унутмаслик керак.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқадики, мелиоратив жиҳатдан ноқулай ерларда мақбул мелиоратив режимни созлаш учун қуйидаги асосий мезонларни таъминлаш лозим бўлади:

- 1) суғориладиган ерлар бирлик майдонидан олиш мумкин бўлган қишлоқ хўжалик экинларининг энг юқори ҳосилдорлиги;
- 2) ердан фойдаланиш коэффиценти (ЕФК)нинг энг катта қиймати;
- 3) капитал қўйилмалар, экинлар ҳосилдорлиги ва табиат муҳофазаси учун бўладиган харажатлар ҳамда мелиорация ҳисобига бир гектардан олинадиган қўшимча маҳсулотдан келадиган фойдани ҳисобга олувчи келтирилган харажатларнинг энг кичик қиймати, яъни  $Z \rightarrow \min$ .

1-жадвал

**Сув баланси элементлари ва сизот сувлари чуқурлиги орасидаги корреляцион боғлиқликни ифодаловчи тенгламалар**

№	Функция	Аргумент	Регрессия тенгламаси
1.	Суғориш меъёри	Сизот сувлари чуқурлиги	$O_p = \alpha h_{ze} - a$
2.	Вза сув истеъмоли	Сизот сувлари чуқурлиги	$E = b - \beta h_{ze}$
3.	Сизот сувларининг тупроқ фаол қатламини озиклантириши	Сизот сувлари чуқурлиги	$g = c - \gamma h_{ze}$

1987-2014 йиллар давомида Сирдарё қайир усти терассасида енгил ва ўрта қумок тупроқларда олиб борган тажрибаларимиз сизот сувлари сатҳи ер юзасига яқинлашиб борган сари суғорма ер майдонлари бирлик юзасидан бўладиган умумий буғланиш (асосий қишлоқ хўжалик экини-ғўзанинг сув истеъмоли) (E) ва сизот сувлари томонидан тупроқ фаол қатламининг озиклантирилиши (g) ортиб боришини, мавсумий суғориш меъёри ( $O_p$ ) эса камайиб боришини яна бир бор тасдиқлади (1-жадвалга қаранг). Маълумки, тупроқ фаол қатлами сув баланси элементлари тупроқ механик таркибига ҳамда қишлоқ хўжалик экинларининг турига ҳам боғлиқ бўлади.  $\alpha$ ,  $\beta$ ,  $\gamma$ - коэффицентилар ва a, b, c- ўзгармас сонлар қийматлари тажриба ўтказиш орқали конкрет объект учун аниқланади.

ММР ни созлашда сизот сувлари сатҳидан йўқолаётган сув нархи паст бўлса, мелиоратив режимни белгилашда қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги асосий омил вазифасини бажаради. Сизот сувларининг сатҳидан йўқолаётган сув юқори баҳоланса, у асосий омилга айланади. Шунинг учун мелиоратив режимни созлашда суғориш учун

берилаётган ва сизот сувлари сатҳидан бекорга йўқолаётган сувлар нарҳини ҳамда истикболда уларнинг нарҳи қандай бўлишини тўғри белгилаш катта аҳамиятга эга. Мелиоратив режимни сошлаш эвазига тежалган сувни бошқа ер майдонларининг сув билан таъминланганлик даражасини орттиришга ёки қўшимча ўзлаштирилган ер майдонларини суғориш учун ишлатишга эришиш мумкин.

**Адабиётлар**

- [1] Рачинский А.А. Теоретические принципы и экспериментальные обоснования мелиоративных комплексов для орошаемых районов аридной зоны: Автореф. дисс... д-ра техн. наук. -М., 1970. -с.65-70.
- [2] Решеткина Н.М., Якубов Х.И. Вертикальный дренаж. -М.: Колос, 1975. -с.38-45.
- [3] Ковда В.А. Борьба с засолением почв//Борьба с засолением. -М.: Колос, 1981. -с.7-25.
- [4] Айдаров И.П., Голованов А.Н., Никольский Ю.Н. Оптимизация мелиоративных режимов орошаемых и осушаемых сельскохозяйственных земель. -М.: ВО «Агропромиздат», 1990. -с.50-53.

УДК. 621.01.

**ЗАНЖИРЛИ УЗАТМА ЕТАКЛАНУВЧИ ЮЛДУЗЧАСИНИНГ ҚАЙИШҚОҚ  
ЭЛЕМЕНТИ ДЕФОРМАЦИЯЛАНИШИНИ УЗАТМА ПАРАМЕТРЛАРИГА  
ТАЪСИРИ**

А. Жўраев, Х. Исаханов, А. Мамаханов, Я. Рахимов, З. Абдуқаҳҳоров

*Наманган муҳандислик-технология институти  
(Қабул қилинди 8.01. 2015 й.)*

*Занжирли узатмаларда етакланувчи тармоқнинг эгилиши ҳисобига ейлишининг ортиши ва узатма ФИКнинг камайиши юзага келади. Шунинг учун занжирли узатмаларда таранглаш қурилмалари қўлланилади. Қатор таранглаш қурилмаларининг асосий камчилиги уларнинг иш жараёнида занжир етакланувчи тармоғига таъсирининг камайиши ҳамда қўшимча қаршилик моментини ҳосил қилиши киради. Мақолада занжирли узатма етакланувчи юлдузчаси қайишқоқ элементи деформацияланишининг узатма параметрларига таъсири ўрганилган.*

**Таянч сўзлар:** занжирли узатма, етакланувчи юлдузча, нотекис айланиши, қайишқоқ элемент, марказдан қочма куч, ўқлараро масофа, таранглик кучлари, бикрлик, деформация, таранглаш ролиги, бурчак тезлиги.

*За счет сгибания ведомой части у цепных передач увеличивается изнашивание и понижается КПД привода. Для устранения этого в цепных передачах применяются натяжные устройства. Одним из недостатков натяжных устройств в процессе работы является понижение влияния ведомой части и дополнительно создавшийся момент сопротивления. В статье изучено влияние этих факторов на параметры цепных передач.*


**Ключевые слова:** цепные передачи, ведущая звездочка, неравномерные вырачивания, гибкий элемент, центробежные силы, межосевое расстояние, натяжные силы, жесткость, деформация, натяжной ролик, угловая скорость.

*In favor of bending a work part of the wear-out is increasing, fretting is lowering. In order to eliminate chain tasks the pulling is used. The defect of pulling devices in the work process is reduction of influence on the work part. The influence of these factors on parameters of the chain issues is investigated in the article.*

**Keywords:** chain issues, leading asterisk, uneven growing, flexible element, centrifugal power, between axial distance, adjuster power, acerbity, deformation, adjuster roller, angular velocity.

Таранглаш роликли занжирли узатмада занжир тезлигининг ўзгариши етакланувчи юлдузчанинг нотекис айланишига олиб келади. Занжирга таъсир қилувчи кучларни ҳисоблаганда марказдан қочма кучни инобатга олиш муҳим [6]. Занжирли узатмани ҳисоблашда, жумладан, юлдузча ўқлари орасидаги масофани танлашда етакланувчи юлдузчанинг қайишқоқ элементи деформацияланишини эътиборга олиш зарур. Яъни, етакланувчи юлдузча қайишқоқ элементи (резина) бикрлигини танлаш йўли билан унга таъсир қилаётган кучлар ҳисобига деформацияланиш қийматлари топилди ва ўқлараро масофани аниқлашда эътиборга олинди. 1-расмда таранглаш роликли занжирли узатманинг таркибли етакланувчи юлдузчаси ишчи ҳолати схемаси ва таъсир қилувчи кучлар келтирилган. Занжир 2 етакланувчи юлдузча 1 билан таъсирлашганда, асосан, куйидаги

кучлар мавжуд бўлади: занжир тармоқларидаги таранглик кучлари  $F_1$  ва  $F_2$ , занжир 2 нинг етакланувчи юлдузча 1 билан илашган қисмидаги марказдан қочма кучи  $F_v$ , етакланувчи



1-расм. Таранглаш қурилмали таркибли етакланувчи юлдузчали занжирли узатма ҳисоб схемаси. бу ерда 1-таркибли етакланувчи юлдузча; 2-занжир; 3-таранглаш ролиги.

бу ерда  $\xi, \alpha_e, \theta$  – шу векторларни горизонтал ўқ билан мос равишда ҳосил қилган бурчаклари.

Етакланувчи юлдузча 1 ва таранглаш ролиги 3 оралиғидаги занжир 2 нинг  $AB$  қисми қийматини топамиз. Берилган 1-расмдаги  $\Delta E O_2$  дан  $\angle A E O_2$  ни аниқлаймиз:

$$\angle A E O_2 = \frac{\pi}{2} - \theta \quad (3)$$

$$\text{Шунингдек, } \Delta E_1 O_2 O_3 \text{ дан: } \angle E_1 O_2 O_3 = \arccos \frac{O_2 E_1}{O_2 O_3} \quad (4)$$

Олинган (3) ва (4) ни инобатга олган ҳолда  $\Delta C O_2 E$  дан  $\alpha$  ни аниқлаймиз:

$$\alpha = \frac{\pi}{2} + \theta - \arccos \frac{O_2 E_1}{O_2 O_3} \quad (5)$$

У ҳолда,  $\Delta C O_2 A$  ва  $\Delta O_3 B C$  лардан:

$$CA = r_2 \text{Ctg} \left( \frac{\pi}{2} + \theta - \arccos \frac{O_2 E_1}{O_2 O_3} \right), \quad (6)$$

$$BC = r_3 \text{Ctg} \left( \frac{\pi}{2} + \theta - \arccos \frac{O_2 E_1}{O_2 O_3} \right),$$

$$\text{ёки } AB = (r_2 + r_3) \text{Ctg} \left( \frac{\pi}{2} + \theta - \arccos \frac{O_2 E_1}{O_2 O_3} \right). \quad (7)$$

Агарда занжирнинг бир бирликдаги оғирлигини  $q$  деб белгиласак,  $AB$  узунликдаги занжирнинг бошланғич таранглик кучи [1]га асосан қуйидаги ифодадан аниқланади:

$$\bar{F}'_2 = q(r_2 + r_3) \text{Ctg} \left( \frac{\pi}{2} + \theta - \arccos \frac{O_2 E_1}{O_2 O_3} \right). \quad (8)$$

Натижада таранглик кучларининг умумий ташкил этувчиси (2) ва

$$\bar{F}'_i = \bar{F}_i \frac{\cos \alpha_2}{\cos \xi} - \left[ (r_2 + r_3) \text{Ctg} \left( \frac{\pi}{2} + \theta - \arccos \frac{O_2 E_1}{O_2 O_3} \right) + \Delta \bar{F}_2 \right] \cos \theta. \quad (9)$$

Занжирнинг етакланувчи юлдузча қамраб олинган қисми ҳар бир бўғини марказдан қочма куч [4]га асосан қуйидагича аниқланади:

юлдузча 1 нинг қайишқоқ элементиға таъсир қилувчи умумлашган  $Q_i$  кучи.

Система мувозанатда бўлиши учун:

$$\bar{F}_1 + \bar{F}'_2 + \Delta \bar{F}_2 + \bar{F}_i + \bar{Q}_C = 0, \quad (1)$$

бу ерда  $\Delta \bar{F}_2$  – таранглаш ролиги ҳисобига занжирнинг етакланувчи тармоғидаги қўшимча таранглик кучи. Занжирнинг тармоқларидаги таранглаш кучларининг умумий ташкил этувчиси:

$$\bar{F}_i = \bar{F}_1 + \bar{F}'_2 + \Delta \bar{F}_2. \quad (2)$$

Агарда (2)нинг горизонтал ўққа проекциясини олсак:

$$\bar{F}_i \cos \xi = \bar{F}_1 \cos \alpha_e - (\bar{F}'_2 + \Delta \bar{F}_2) \cos \theta,$$

$$\bar{F}_v = m_2 \omega_2^2 r_2 \cos(\alpha_i + \frac{\alpha_2}{2}). \quad (10)$$

Етакловчи юлдузча билан занжир бўғинларининг илашишида тезлик ўзгаради, унга асосан марказдан қочма куч қуйидаги ораликда ўзгаради:

$$\bar{F}'_v = m_2 \omega_1 \frac{\sin \frac{\pi}{z_2}}{\operatorname{tg} \frac{\pi}{z_1}} \cos\left(\alpha_{2i} + \frac{\alpha_2}{2}\right); \bar{F}''_v = m_2 \omega_1 \frac{\operatorname{tg} \frac{\pi}{z_1}}{\sin \frac{\pi}{z_2}} \cos\left(\alpha_{2i} + \frac{\alpha_2}{2}\right), \quad (11)$$

бу ерда  $m_2$  – занжир бўғини массаси,  $z_1, z_2$  – мос юлдузчалар тишлари сони,  $\alpha_{2i}$  – занжир бўғинининг горизонтал ўқ билан ҳосил қилган бурчаги,  $\alpha_2$  – занжир бўғинининг етакланувчи юлдузча бўйлаб эгаллаган бурчаги [2].

Умумий ҳолда етакланувчи юлдузча билан илашган занжир бўғинларига таъсир қилувчи марказдан қочма кучларнинг горизонтал проекциясига кўра:

$$\bar{F}_v = \frac{m_2 \omega_2^2 r_2}{\cos \xi} \left[ \cos\left(\alpha_{21} + \frac{\alpha_2}{2}\right) + \cos\left(\alpha_{22} + \frac{\alpha_2}{2}\right) + \cos\left(\alpha_{23} + \frac{\alpha_2}{2}\right) + \dots \cos\left(\alpha_{2i} + \frac{\alpha_2}{2}\right) \right]. \quad (12)$$

Юқорида келтирилган (11) шарт бўйича кучларни горизонтал ўққа проекциялаб, етакланувчи юлдузча қайишқоқ элементининг деформацияловчи кучини аниқлаймиз:

$$Q_{\bar{n}} = -m_2 \omega_2^2 r_2 \left[ \cos\left(\alpha_{21} + \frac{\alpha_2}{2}\right) \right] + \frac{\bar{F}_1 \cos \alpha_2}{\cos \xi_v} + \left[ (r_2 + r_3) \operatorname{Ctg} \left( \frac{\pi}{2} + \theta - \arccos \frac{O_2 E_1}{O_2 O_3} + \Delta \bar{F}_2 \right) \right] \frac{\cos \theta}{\cos \xi_v}. \quad (13)$$

Етакланувчи юлдузча қайишқоқ элементининг бикрлик коэффициенти қуйидаги ифода орқали аниқланади:

$$C_{\bar{e}} = \frac{1}{\delta_A} \left\{ m_2 \omega_2^2 r_2 \left[ \cos\left(\alpha_{21} + \frac{\alpha_2}{2}\right) \right] - \frac{\bar{F}_1 \cos \alpha_2}{\cos \xi_v} - \left[ (r_2 + r_3) \operatorname{Ctg} \left( \frac{\pi}{2} + \theta - \arccos \frac{O_2 E_1}{O_2 O_3} + \Delta \bar{F}_2 \right) \right] \frac{\cos \theta}{\cos \xi_v} \right\}, \quad (14)$$

бу ерда  $\delta_A$  – қайишқоқ элементнинг юлдузчалар ўқлараро масофаси бўйича силжиши.

Демак, кўрилатган таранглаш курилмали таркибли етакланувчи юлдузчали занжирли узатманинг ўқлараро масофасини қуйидагича танлаш тавсия этилади:

$$A = t_3 \cdot n_3 / \cos \alpha_e - \delta_A, \quad (15)$$

бу ерда  $t_3$  – занжир бўғинлари ёки юлдузча тишлари қадами,  $n_3$  – узатма етакловчи тармоғи узунлиги бўйича занжирнинг бўғинлари сони. Олинган (13), (14), (15) ифодалар бўйича сонли ечимларни олиш учун кўрилатган занжирли узатма ҳисоб параметрлари қуйидаги қийматларда олинди:

$$t_3 = 15,0 - 21,0 \text{ мм}; n_1 = 200 - 400 \text{ мин}^{-1}; [P] = 28 - 31 \text{ МПа};$$

$$n_3 = 98, z_1 = 22, Z_2 = 25; r_2 = (5,5 - 6,5) \cdot 10^{-2} \text{ м}; m_2 = 0,015 - 0,035 \text{ кг}.$$

2-расмда кўрилатган занжирли узатманинг етакланувчи таркибли юлдузчаси қайишқоқ элементини деформацияловчи кучнинг унинг бурчак тезлигига боғлиқлик графиклари етакланувчи занжир тармоғи қўшимча таранглик кучининг турли қийматларида келтирилган. Олинган график боғланишлар таҳлили шуни кўрсатадики, етакланувчи юлдузча бурчак тезлигининг ортиши қайишқоқ бўғин деформацияловчи кучининг ночизик қонуниятда камайишига олиб келади. Айтиш лозимки, қайишқоқ элемент бўлмаган ҳолда, ушбу куч етакланувчи юлдузча валига таъсир қилувчи кучга тенг бўлади. Узатмадаги таранглаш ролиги деформацияловчи куч  $Q_C$  нинг ортишига олиб келади. Ушбу қўшимча таранглаш кучи  $60H$  дан  $105H$  гача ортганда, қайишқоқ элементни деформацияловчи кучлар орасидаги фарқ  $\omega_2 = 18c^{-1}$  бўлганда,  $4,15 \cdot 10^2 H$  ни ҳосил қилса,  $\omega_2 = 42c^{-1}$  бўлганда эса,  $19,2 \cdot 10^2 H$  ни ташкил этади. Бунинг асосий сабаби шундаки, юқори айланиш частотасида таранглаш ролигининг таъсири нисбатан юқори бўлмайди, яъни инерция кучининг роли ортади.


Таъкидлаш лозимки, қайишқоқ элементнинг деформацияловчи кучи етакланувчи юлдузча радиуси ортиши билан ортади. Бунни қурилган графиклардан кўришимиз мумкин (3-расмга қаранг). Жумладан, етакланувчи юлдузча радиуси  $5,5 \cdot 10^{-2} \text{ м}$  дан  $6,5 \cdot 10^{-2} \text{ м}$  гача кўпайганда

ва  $m_2 = 0,035 \text{ кг}$  бўлганда, деформацияловчи куч  $3,15 \cdot 10^2 \text{ Н}$  дан  $8,95 \cdot 10^2 \text{ Н}$  гача ортади. Худди шунингдек, занжир бўғини массаси  $0,015 \text{ кг}$  гача камайтирилганда, деформацияловчи куч  $5,24 \cdot 10^2 \text{ Н}$  дан  $18,72 \cdot 10^2 \text{ Н}$  гача ортади. Бу қонуниятни шундай

изохлаш мумкин: занжир бўғини массаси ортиши билан унинг инерция кучи ҳам ортади, яъни у қайишқоқ элементни деформацияловчи кучни камайтиради. Лекин бунда узатма ҳаракатига, ишлаш муддатига таъсир қилувчи асосий параметрлардан бири қайишқоқ

элементнинг деформация қийматлари ҳисобланади. Бу занжирнинг етакланувчи юлдузча тишлари билан илашишига ва ўқлар орасидаги масофа ўзгаришига олиб келади. Шунинг учун қайишқоқ элементнинг бикрлик коэффициентини танлаш муҳим ҳисобланади [3].


4-расмда етакланувчи юлдузча қайишқоқ элементи бикрлик коэффициентининг деформация



3-расм. Занжирли узатма етакланувчи юлдузчаси қайишқоқ элементининг деформацияловчи кучининг унинг радиусининг ўзгаришига боғлиқлик графиклари. Бунда  $1 - m_2 = 0,015 \text{ кг}$ ;  $2 - m_2 = 0,025 \text{ кг}$ ;  $3 - m_2 = 0,036 \text{ кг}$ .

узатма таркибли етакланувчи юлдузчаси қайишқоқ элементининг ўқларни бирлаштирувчи ўқ бўйлаб деформацияси  $2,0 - 3,0 \text{ мм}$  дан ошмаслиги учун, юлдузча радиуси  $r_2 = (5,5 - 6,5) \cdot 10^{-2} \text{ м}$  оралиғида бўлганда бикрлик коэффициентини  $(3,2 - 5,4) \cdot 10^5 \text{ Н/м}$  қилиб танлаш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш керакки, етакланувчи юлдузча вали ишчи органи кесакни майдаловчи қозикли барабан билан боғланган. Бунда кесакдан келаётган қаршилик мураккаб тасодифий қонуниятда ўзгаради.


Қаршиликнинг ўзгариш амплитудаси қайишқоқ элемент ҳисобига бир мунча сўнади, яъни кесакдан келаётган қаршилик тебранишлари занжирга, демак, етакловчи юлдузчага бир мунча сўнган ҳолда таъсир этади. Узатманинг раван ишлаши, чидамлилигининг ошишига




2-расм. Занжирли узатманинг етакланувчи юлдузчаси қайишқоқ элементи деформацияловчи кучининг унинг бурчак тезлигига боғлиқлик графиклари. Бунда  $1 - \Delta F_2 = 105 \text{ Н}$ ;  $2 - \Delta F_2 = 80 \text{ Н}$ ;  $3 - \Delta F_2 = 60 \text{ Н}$ .

қийматига боғлиқлик графиклари радиус  $r_2$ -нинг турли қийматларида келтирилган. Ушбу боғланиш чизиксиз қонуниятда ўзгаради. Жумладан, деформация  $1,0 \cdot 10^{-3} \text{ м}$  дан  $4,0 \cdot 10^{-3} \text{ м}$  гача ортганда, қайишқоқлик коэффициенти  $r_2 = 6,5 \cdot 10^{-3} \text{ м}$  бўлганда, бикрлик коэффициенти  $8,18 \cdot 10^5 \text{ Н/м}$  дан  $1,84 \cdot 10^5 \text{ Н/м}$  гача камаяди. Шунингдек, етакланувчи юлдузча радиуси  $5,5 \cdot 10^{-2} \text{ м}$  бўлганда, қайишқоқ элемент бикрлик коэффициенти  $6,16 \cdot 10^5 \text{ Н/м}$  дан  $1,19 \cdot 10^5 \text{ Н/м}$  гача камаяди. Занжирли

олиб келади. 5-расмда кўрилатган занжирли узатма юлдузчалари ўқлари орасидаги масофанинг занжир бўғини кадамининг ўзгаришига боғлиқлик графиклари етакланувчи юлдузча қайишқоқ элементи деформациясининг турли қийматларида келтирилган. Ўқлар орасидаги масофа занжир қадами қиймати ортиши билан, шунингдек, занжир бўғинлари сонининг кўпайиши билан ҳам чизикли қонуниятда ортади. Лекин етакланувчи юлдузча қайишқоқ деформациясининг қиймати мос равишда ўқлар орасидаги масофани камайтиришга олиб келади.



4-расм. Етакланувчи юлдузча қайишқоқ элементининг бикрлик коэффициентининг унинг деформацияси қиймати ўзгаришига боғлиқлиги. Бунда  $1-r_2 = 6,5 \cdot 10^{-2} м$ ;  $2-r_2 = 6,0 \cdot 10^{-2} м$ ;  $3-r_2 = 5,5 \cdot 10^{-2} м$ .



5-расм. Занжирли узатма ўқлар орасидаги масофасининг занжир бўғини қадами қийматига қараб ўзгариш графиклари. Бунда  $1-\delta_A = 2,0 \cdot 10^{-3} м$ ;  $2-\delta_A = 3,0 \cdot 10^{-3} м$ ;  $3-\delta_A = 4,0 \cdot 10^{-3} м$ .

Демак, деформация қийматлари ортганда занжир тиш қадамини кўпайтириш лозим бўлади. Шундагина ўқлар орасидаги масофанинг камайиши сезиларли бўлмайди ва ишлашига таъсир кўрсатмайди. Бунда юкланишлар тебранишларининг сўнишлари етарли даражада бўлишини таъминлаш мумкин бўлади.

**Адабиётлар**

- [1] Глушенко И.П., Семенов В.С., Лысенко В.В. К определению минимального натяжения холостой ветви роликной цепной передачи // Механические передачи; Тр. Кубанского гос. ун-та. 1976. - Вып. 228. – С. 31-37.
- [2] Мухамедов Ж. ДИТД а-13-123. Тупроққа экиш олдида ишлов бериш энергия тежамкор технологиясини ишлаб чиқиш ва комбинациялашган агрегатни яратиш. – Наманган: 2007. -115б.
- [3] Мамахонов А., Джураев А., Занжирли узатма етакланувчи юлдузчасининг қайишқоқ элементининг деформацияланишини узатма параметрларига таъсирини таҳлили. Ж. «Механика муаммолари», - № 1, 2011. –Б.61-64.

УДК.339.3

**ВЛИЯНИЯ НАПРЯЖЕННО-ДЕФОРМИРОВАННОГО СОСТОЯНИЯ ДВУХСЛОЙНЫХ ОСЕСИММЕТРИЧНЫХ ЦИЛИНДРИЧЕСКИХ ОБОЛОЧЕК НА ИХ ФИЗИКО - МЕХАНИЧЕСКИЕ ХАРАКТЕРИСТИКИ**

А.Д. Дусматов, Е.Х. Каримов, Т. Аминов, М. Хамракулов

*Ферганский политехнический институт  
(Получена 11.02. 2015 г.)*

*Ушбу изланишда ўққа симметрик цилиндрсимон бир-биридан физик-механик хоссалари ва қалинликлари бўйича фарқ қилувчи композит материаллардан ташкил топган икки қатламли қобикларни мустақамлиги ва устуворлигига қобикларни силжиши деформацияларни ва физик-механик хоссалари таъсирининг тадқиқотлари келтирилган.*



**Таянч сўзлар:** икки қатламли осесимметрик цилиндрсимон қобик, тенг тақсимланган юк, дифференциал тенгламалар системаси, қобиклар деформацияси, нейтрал ўқнинг кўчиши, силжishi функцияси, уринма кучланиши, салқилик, ҳалқа кўчиши, характеристик тенгламанинг хусусий ва бир жинсли ечимлари, таъсир этувчи юклари ўқларга нисбатан симметрик тенг тақсимланган цилиндрсимон қобиклар.

В работе рассматривается комбинированная двухслойная осесимметричная цилиндрическая оболочка, выполненная из композитных слоев, отличающихся по толщине и физико-механическим свойствам, а также исследовано влияние НДС таких оболочек на их прочность и устойчивость.

**Ключевые слова:** двухслойная осесимметричная комбинированная цилиндрическая оболочка, равномерно-распределенная нагрузка система дифференциальных уравнений, деформирование оболочки, перемещение срединной поверхности, функция сдвига, касательные напряжения, прогиб, кольцевое перемещение, однородные и частные решения характеристического уравнения.

Combined two layers axially symmetrical cylindrical clad layer, carried out from composite layer, which are differ by their thickness and physico-mechanical properties, and also the influence of SDS of such clad layers is investigated on their durability and firmness are considered in the work.

**Keywords:** two layers axially symmetrical combined cylindrical clad layer, uniformly-distributive loading, system of differential equations, deforming of clad layer, motion of medial surface, function of displacement, shearing tension, sagging, cyclic motion, simple and particulate decisions of characteristic equation.

Одним из недостаточно исследованных направлений имеющих большое прикладное значение, является исследование прочности и устойчивости оболочек из композитных и комбинированных материалов. Комбинированные двухслойные оболочки можно разделить на две основные группы:

- 1) конструкции, состоящие из изотропного и анизотропного слоев.
- 2) конструкции, оба слоя которых являются анизотропными.

Отдельные задачи статики двухслойных пластин и оболочек, которые основаны на применении гипотез Кирхгофа – Лява, рассмотрены в работах [2,3,4,5]. В этих работах исследована устойчивость и прочность двухслойных цилиндрических оболочек при осесимметричных деформациях под действием внутреннего давления, а также некоторые задачи об изгибе пластин.

В работе [1] С.А.Амбарцумяна предложено два варианта уточнения теории двухслойных оболочек. Первый вариант соответствует прогибу по классической теории, а второй – представляет поправку, связанную с учетом сдвигов в каждом слое. Автор отмечает, что точность построенных теорий зависит как от геометрических параметров рассматриваемых конструкций, так и от других физико-механических характеристик слоев.

Таким образом, в научной литературе посвященных напряженно-деформированному состоянию (НДС), прочности, и устойчивости двухслойных комбинированных оболочек, накоплено значительное количество исследований по определению НДС отдельных видов оболочек: сферических, конических, цилиндрических и других. К таким конструкциям относятся различные ёмкости, летательные и глубоководные аппараты, аппараты химической промышленности, строительные конструкции и многие другие.




Рис.1. Двухслойная осесимметричная комбинированная цилиндрическая оболочка.

В связи с появлением новых конструкционных комбинированных материалов, в последние годы получили широкое применение двухслойные оболочки, для которых характерно существенное различие между упругими постоянными материалов слоев. Актуальной проблемой является расчёт конструкций с учётом различных отдельных факторов, таких как учёт физической нелинейности материала, учёт поперечного сдвига,

влияние клеевого слоя на прочность и устойчивость оболочек. Пренебрежение этими факторами может привести к недопустимым погрешностям.

В данной работе рассматривается комбинированная двухслойная осесимметричная цилиндрическая оболочка, выполненная из композитных слоёв, отличающихся по толщине и физико-механическими свойствами (рис.1).

Рис.1. Двухслойная осесимметричная комбинированная цилиндрическая оболочка.

Предполагается что:

- а) на оболочку действует равномерно распределенная нагрузка, нормальная к срединной поверхности и плавно изменяющаяся вдоль образующей;
- б) рассматриваемая двухслойная комбинированная оболочка состоит из несущего (1), и армирующего и склеивающего слоев (3 и 2), (см.рис.1). При этом:
- в) толщина несущего, армирующего и склеивающего слоев, постоянные;
- г) толщина несущего слоя значительно больше, чем армирующего ( $h > b$ ).

Расчёт конструкции на прочность и устойчивость с учётом выше приведённых факторов будем производить с помощью системы дифференциальных уравнений деформирования оболочки относительно неизвестных  $U_0$ ,  $\Phi_{1,2}$ ,  $\tau_{1,2}$ ,  $W$ ,  $u_0$ , ( $U_0$ -перемещение срединной поверхности;  $\Phi_{1,2}$ -функции сдвига,  $\tau_{1,2}$ -касательные напряжения,  $W$ -прогиб,  $u_0$ -кольцевое перемещение).

Имея ввиду, что для цилиндрических оболочек коэффициенты формы поверхности:  $A_1=1$ ,  $B=R$ ,  $R_2=A_2=r(\beta)$  и  $R_1=\infty$ , запишем деформации растяжения (сжатия) и сдвига в виде:

$$\begin{aligned} E_{\alpha}^{[i]} &= \frac{\partial U^{(i)}}{\partial \alpha} \\ E_{\beta} &= \frac{1}{R^{(i)}} \frac{\partial \mathcal{G}^{(i)}}{\partial \beta} + \frac{W}{R^{(i)}} \\ E_{\alpha\beta} &= \frac{1}{R^{(i)}} \frac{\partial U^{(i)}}{\partial \beta} + \frac{\partial \mathcal{G}^{(i)}}{\partial \alpha} \end{aligned} \quad (1)$$

Система координат принимается как показано на рисунке 1.

Напряжения в слоях определяются известными соотношениями:

$$\begin{aligned} \sigma_{\alpha}^{(i)} &= B_{11}^{(i)} E_{\alpha}^{(i)} + B_{12} E_{\beta}^{(i)} \\ \sigma_{\beta}^{(i)} &= B_{22}^{(i)} E_{\beta}^{(i)} + B_{12} E_{\alpha}^{(i)} \\ \tau_{\alpha\beta} &= G^{(i)} E_{\alpha\beta} \end{aligned} \quad (2)$$

где  $\sigma$  -напряжения между слоями,  $G$  -модули сдвигов слоёв.

Осевые перемещения в несущем слое двухслойной цилиндрической оболочки запишем в виде:

$$U = U_0 - \gamma \frac{\partial W}{\partial \alpha} + \left( \frac{\gamma h^2}{8} - \frac{\gamma^3}{6} \right) \Phi_1 + \left( 1 - \frac{\gamma}{h} \right) \frac{\gamma}{2G_{\beta 13}} \tau_1 \quad (3)$$

Перемещения в кольцевом направлении

$$\begin{aligned} \mathcal{G} &= \left( 1 + \frac{\gamma}{R_M} \right) \mathcal{G}_0 - \frac{\gamma}{R_M} \frac{\partial W}{\partial \beta} + \left[ \frac{\gamma h^2}{8} \left( 1 + \frac{\gamma}{2R_M} \right) - \frac{\gamma}{6} \left( 1 + \frac{\gamma}{4R_M} \right) \right] \Phi_2 + \\ &+ \left[ \frac{\gamma}{2G_{M23}} \left( 1 + \frac{\gamma}{2R_M} \right) - \frac{\gamma^2}{2hG_{M23}} \left( 1 + \frac{\gamma}{3R_M} \right) \right] \tau_2. \end{aligned} \quad (4)$$

Выражение полной энергии можно получить на основе вариационного принципа Лагранжа. Согласно этого принципа, потенциальная энергия упругой системы в положении равновесия принимает стационарное значение. Она складывается из потенциальной энергии упругой деформации слоёв, клеевого шва и работы внешней нагрузки. Учитывая выражение полной энергии, получим в виде функционала двойного интеграла:

$$\begin{aligned}
 U(\alpha) = \frac{1}{2} \iint U_F & \left( \frac{\partial U_0}{\partial \alpha}, \frac{\partial U_0}{\partial \beta}, \frac{\partial \mathcal{G}_0}{\partial \alpha}, \frac{\partial \mathcal{G}_0}{\partial \beta}, \frac{\partial \Phi_0}{\partial \alpha}, \frac{\partial \Phi_0}{\partial \beta}, \right. \\
 & \frac{\partial \Phi_2}{\partial \alpha}, \frac{\partial \Phi_2}{\partial \beta}, \frac{\partial \tau_1}{\partial \alpha}, \frac{\partial \tau_1}{\partial \beta}, \frac{\partial \tau_2}{\partial \alpha}, \frac{\partial \tau_2}{\partial \beta}, \frac{\partial^2 W}{\partial \alpha^2}, \frac{\partial^2 W}{\partial \beta^2}, \frac{\partial^2 W}{\partial \alpha \partial \beta}, \\
 & \left. \frac{\partial W}{\partial \alpha}, \frac{\partial W}{\partial \beta}, U_0, \mathcal{G}_0, \Phi_1, \Phi_2, \tau_1, \tau_2, W \right) ds
 \end{aligned} \tag{5}$$

Так как для рассматриваемой осесимметричной двухслойной оболочки, действуют только осесимметричные нагрузки, то считаем, что  $\mathcal{G}_0$ ,  $\Phi_2$ ,  $\tau_2$  отсутствуют. Тогда система дифференциальных уравнений деформирования оболочки будет решаться относительно неизвестных  $U_0$ ,  $\Phi_1$ ,  $\tau_1$ ,  $W$ .

Общие решения системы будут складываться из однородных и частных решений:

$$\begin{aligned}
 W(\alpha) &= W_n^{одн.}(\alpha) + W_n^{част} \\
 U_0(\alpha) &= U_n^{одн.}(\alpha) + U_n^{част} \\
 \Phi_1(\alpha) &= \Phi_n^{одн.}(\alpha) + \Phi_n^{част} \\
 \tau_1(\alpha) &= \tau_n^{одн.}(\alpha) + \tau_n^{част}
 \end{aligned} \tag{6}$$

Решение системы дифференциальных уравнений равновесия с учётом граничных условий будем искать в виде подстановки Эйлера:

$$U_i = \sum a_i e^{S_i \alpha}$$

В нашем случае общее решение с учетом кратных корней принимает вид:

$$\begin{aligned}
 W^{одн.} &= \sum_{i=1}^n e^{S_i \alpha} (W_i \cos q_i \alpha + W_{i+1} \sin q_i \alpha), \\
 U_0^{одн.} &= \sum_{i=1}^n e^{S_i \alpha} W_i (a_i \cos q_i \alpha + a_{i+1} \sin q_i \alpha), \\
 \Phi_1^{одн.} &= \sum_{i=1}^n e^{S_i \alpha} W_i (b_i \cos q_i \alpha + b_{i+1} \sin q_i \alpha), \\
 \tau_1^{одн.} &= \sum_{i=1}^n e^{S_i \alpha} W_i (c_i \cos q_i \alpha + c_{i+1} \sin q_i \alpha),
 \end{aligned} \tag{7}$$

где  $a_i, b_i, c_i$  - постоянные интегрирования, зависящие от граничных условий;  $S_i$  - корни характеристического уравнения системы.

После подстановки и преобразований можно получить характеристическое уравнение вида:

Тақчилликни қоплаш мақсадида, товар ёки хизматлар билан қопланмаган пул массасининг муомалага чиқарилиши биринчи ўринда товар ёки хизматларнинг нархини кескин кўтарилишига олиб келади. Ушбу ҳолатни Америка иқтисодиёт ассоциацияси президенти (1918 йил) Ирвинг Фишернинг муомаладаги пул массаси ҳамда товарлар нархининг ўзаро боғлиқлигини кўрсатувчи қуйидаги формуласи орқали кўришимиз мумкин [7].

$$M * V = P * T$$

Бу ерда, М-муомаладаги пул массаси, V-пулнинг муомалада айланиш тезлиги, P-ўртача нарх, T-товар ёки хизматлар миқдори.

Пулнинг муомалада айланиш тезлигини ( V ) товарлар ва хизматлар миқдорини (T) ўзгармас деб олсак, пул массасининг товар ёки хизматлар нархига бевосита таъсирини куйидаги расм яққол кўрсатади (2-расм ).

Ушбу расм орқали шуни кўришимиз мумкинки, товар ёки хизматлар миқдори ўзгармаган ҳолда, муомаладаги пул массасининг ортиши (тақчилликни қоплаш мақсадида муомалага чиқарилган янги пул белгилари) бевосита товарлар нархининг ортишига олиб келади.



2-расм. Пул массасининг товарлар нархининг

кўтарилишига таъсири.

Товар ёки хизматлар нархининг кўтарилиши, юридик ва жисмоний шахсларнинг реал даромадларининг, бошқача қилиб айтганда, тўлов қобилиятининг пасайишига олиб келади. Бу эса ўз навбатида, бир товар ёки хизматларни сотиб олиш учун юридик ва жисмоний шахслар томонидан қўшимча маблағларнинг сарфланишига мажбур этади. Тақчилликни молиялаштиришнинг бу йўлини давлатнинг келгусидаги харажатларини қоплаш учун аҳоли даромадларининг яна бир қисмини олиш деб ҳисоблаш мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, тақчилликни қоплаш мақсадида муомалага чиқарилган пул массаси биринчи навбатда товар ва хизматларнинг нархини ортишига олиб келади.

Бирок, ушбу маблағлардан оқилона фойдаланиш орқали мамлакат иқтисодиётининг ўсишига эришиш мумкин. Бизнинг фикримизча, ушбу ресурсни (тақчилликни қоплаш мақсадида муомалага чиқарилаётган пул массаси) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун йўналтирилса, маълум бир муддатдан сўнг муомалага чиқарилган пул массасини тўлдирувчи реал товар ва хизматларнинг бозорга чиқарилишига ҳамда ЯИМнинг ортиши орқали, муомалага янги чиқарилган пул массаси натижасида юзага келган нархнинг кўтарилишини узоқ муддат сақланиб қолмаслигига эришиш мумкин.

Агар, ушбу пул массаси инвестиция фаолияти учун эмас балки, истеъмол қилинган товар ва хизматлар учун йўналтирилса, бунинг натижасида ЯИМнинг ўсишига эмас, балки истеъмол нархларининг ортишига ва бу ҳолат сурункали тарз олишига олиб келади ҳамда тақчилликни бу тарзда қопланиши инфляция кўринишини олади.

Тақчилликни пул эмиссияси орқали молиялаштириш натижасида вужудга келган инфляция биринчи навбатда бюджетга йўналтирилган маблағлар ёки ресурсларнинг номинал ҳажмини орттирса-да, унинг реал қиймати паст бўлади.

Инфляциянинг салбий оқибатлари билан бир қаторда, унинг оқибатида юзага келган нархларнинг кўтарилишидан унумли фойдаланиш мумкин. Жумладан, миллий валютада тузилган қарз шартномалари асосида юзага келган қарзларни инфляция кўрсаткичи юқори бўлиб турган даврда тўланиши орқали реал қарздорликнинг камайишига эришиш мумкин. Лекин, шу билан бир қаторда, юқоридаги ҳолатнинг акси сифатида миллий валютада тузилган қарз шартномалари орқали юзага келган қарздорликлар қарздорлар томонидан давлатга тўланиши мумкинлигини ҳам инобатга олиш зарур.

Нархларнинг кўтарилиши ва инфляциянинг намоён бўлиши иқтисодиётнинг бошқа соҳаларига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Чунки, муомалага чиқарилган ортикча пул массасини реал товарлар билан тўлдириш эҳтиёжи туфайли, мамлакат экспорт товарларидан кўра кириб келаётган импорт товарларнинг ҳажмини орттиради ва бу ўз навбатида мамлакатнинг ташқи савдо айланмаси қолдигининг салбий сальдога эга бўлишига олиб келиши мумкин.

Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, тақчилликни қоплаш мақсадида муомалага янги пул бирликларини чиқариш осон ва қулай бўлса ҳам у иқтисодиётга ва аҳоли турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу сабабли

хам Европа Иттифокида тақчилликни тўғридан тўғри Марказий банкнинг пул эмиссияси орқали молиялаштириш Маастрих шартномасига асосан тақиқланган [9].

Бюджет тақчиллигини молиялаштиришнинг яна бир манбааси сифатида давлат қарзларининг мамлакат иқтисодиётига ижобий ва салбий таъсирларини кўриш мумкин.

Кўпчилик ҳолларда мамлакатнинг давлат қарзини барқарорлик даражаси Маастрихт мезонлари бўйича баҳоланади: давлат қарзи ЯИМга нисбатан 60 фоиздан ошиб кетмаслиги керак.

Халқаро тасниф асосида қабул қилинган экспертларнинг баҳолашлари қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Мамлакат катта қарзга эга, агар:

- хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси ЯИМнинг 80 фоиздан, хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси экспортнинг 220 фоиздан ошиб кетса. Шу ўринда қуйидаги диаграмма орқали 2013 йилда катта қарзга эга бўлган айрим мамлакатларни мисол тариқасида кўриш мумкин (Расм 3).




3-расм. Айрим мамлакатларининг 2013 йилдаги қарз миқдорлари (General government gross debt, ЯИМга нисбатан %да / Percent of GDP ) [10].

2. Мамлакат ўртача қарзга эга, агар:

- хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси ЯИМнинг 48-80% доирасида бўлса ва хизмат кўрсатилаётган қарз суммаси экспортнинг 132-220% доирасида бўлса. Мальта, Нидерландия, Словакия, Словения каби давлатларнинг қарз миқдорлари 2013 йилда ушбу мезон доирасида эканлиги қуйидаги диаграммада акс эттирилган (4-расм).

Изчил олиб борилаётган молиявий сиёсат мамлакатимизнинг дунё ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб бермоқда. Фикримизнинг исботи сифатида, Ўзбекистон Республикасининг ЯИМга нисбатан қарз миқдорини қуйидаги диаграмма орқали кўриш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси бўйича давлат қарзи – Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи маблағларни жалб қилиш натижасида вужудга келган мажбуриятлари ҳисобланади [11].



4-расм. Айрим мамлакатларининг 2013 йилдаги қарз миқдорлари (General government gross debt) (ЯИМга нисбатан %да / Percent of GDP ) [12].

Давлат томонидан ички маблағни жалб қилиш – бу активларни ички манбаалардан (резидент юридик ва жисмоний шахслардан) жалб этиш ҳамда бунинг натижасида Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятларининг вужудга келиши бўлиб, унинг натижасида давлат ички қарзлари пайдо бўлади.

Давлат томонидан хориждан маблағ жалб қилиш – активларни хориж манбаларидан (чет эл давлатларидан, норезидент юридик шахслардан ва халқаро ташкилотлардан) жалб этиш ҳамда шу туфайли Ўзбекистон Республикасининг қарз олувчи сифатидаги ёки қарз олувчи резидентларнинг ўз кредитларини (қарзларини) тўлашига кафил сифатидаги мажбуриятларининг юзага келиши бўлиб, унинг натижасида давлат ташқи қарзлари пайдо бўлади.

Давлат қарзининг чекланган миқдори ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг палаталари томонидан навбатдаги йил учун Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг бюджетлари қабул қилинаётганда белгиланади [13].

Қарз мажбуриятларининг қуйидаги турлари мавжуд:

1. Давлат қимматли қоғозлари;
2. Давлат кафолатлари;
3. Кредитлар;
4. Муддатли ссудалар

Тақчилликни қарзлар орқали молиялаштиришда давлат олдида иккита вазифа пайдо бўлади.

Биринчидан, ушбу маблағлар вақтинчалик хусусиятига эга бўлиб, муайян даврдан сўнг маблағлар ўзининг ҳақиқий эгасига қайтарилиши лозим.

Иккинчидан, муайян муддатдан сўнг ушбу маблағлар маълум бир фоиз миқдоридаги қўшимча тўловлар билан қайтарилиши керак бўлади.

Натижада, тақчилликни молиялаштириш мақсадида олинган қарз, давлат қарзларининг ва улар учун тўланадиган фоиз тўловларини янада ортиши ва шу билан бирга бюджет ҳаражатларининг ортишига олиб келади.

Бу эса, ўз навбатида бюджетда яна бир тақчилликни келтириб чиқариши мумкин. Давлат ташқи ва ички қарзлари салмоғининг ортиши ва бошқа ижтимоий-иқтисодий ҳаражатларни молиялаштиришнинг ягона йўли сифатида давлат яна Марказий банкка янги пул белгиларини чиқариш юзасидан мурожаат қилса, унда юқорида кўриб ўтилган нарх-навоининг ортиши, инфляция каби муаммолар келиб чиқиши мумкин (5-расм).



5-расм . «Тақчиллик- қарз мажбурияти-инфляция» спирали.

Лекин, юридик ёки жисмоний шахсларнинг бўш турган маблағларини меъёр даражасида яъни, кейинчалик ушбу қарзларни қоплашнинг реал имконияти борлиги нуқтаи назаридан иқтисодиётга жалб қилиш орқали муомалада товар билан қопланмаган пул массаси юзага келмайди ва инфляцион характерга эга бўлмаслиги мумкин.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, тақчилликни молиялаштиришнинг иккала йўли ҳам, мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига турлича таъсир кўрсатади. Фикримизча, тақчилликни молиялаштириш мақсадида Марказий банк кредитларини олиш,

яъни, пул эмиссиясининг инфляцияни келтириб чиқариш эҳтимоли юқорилигини инобатга олган ҳолда, тақчилликни қарзлар олиш орқали молиялаштириш афзалроқдир. Чунки, иқтисодиётдаги мавжуд ресурсларни қайта тақсимлаш инфляцион характер касб этмайди. Мамлакатда тақчилликнинг ЯИМга нисбатан 3% гача миқдорда бўлиши, гарчи ижобий баҳоланса ҳам тақчилликни молиялаштириш йўллари, унинг манбааларини мунтазам такомиллаштириб бориш зарур бўлади.

Адабиётлар

- [1] Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. Молиячи маълумотномаси. 2014 йил январ, №1(25)-сон.
- [2] “Мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириш – бош мақсадимиздир.” Президент И.Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 22 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.// Халқ сўзи. 2014 йил 6 декабрь, №237(6167).
- [3] Ўзбекистон Республикаси бюджет таснифини қўллаш бўйича йўриқнома. “Ўзбекистон”НМИУ. Тошкент 2010 й.
- [4] Боголиб Т. М. Бюджетное регулирование социально-экономического развития общества //Известия. – 2014. – №. 3. – С. 31.
- [5] Сирожиддинова З.Х. Бюджетная система Республики Узбекистан. “infoCOM.UZ” Ташкент 2010г.
- [6] Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика. Москва 2014.
- [7] De Grauwe P. The governance of a fragile eurozone //Australian Economic Review. – 2012. – Т. 45. – №. 3. – С. 255-268.
- [8] Feldstein M. The Euro Zone’s double failure //The Wall Street Journal. – 2011. – Т. 16. – С. 17.
- [9] Fisher I. The Purchasing Power of Money: Its' Determination And Relation to Credit Interest And Crises. – Cosimo, Inc., 2006.
- [10] Treaty on European Union (as amended by the Treaty of Lisbon). [Электрон ресурс] URL: <http://eulaw.ru/treaties/teu>
- [11] [www.mf.uz](http://www.mf.uz). Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги райсвий веб сайти.
- [12] [www.imf.org](http://www.imf.org). Халқаро Валюта Фонди расмий веб сайти.
- [13] Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси. Молиячи маълумотномаси. 2014 йил январ 1(25)-сон. 41-бет.

УДК 331.5(331.1)

**МЕҲНАТ БОЗОРИДА РЕКРУТИНГ ХИЗМАТЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШДА  
ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАСИ**

Э. Муминова

*Фарғона политехника институти  
(Қабул қилинди 23.03.2015 й.)*

*Мазкур мақолада меҳнат бозорида рекрутинг хизматларини ташкил этишда хорижий мамлакатлар тажрибаси таҳлилий ўрганилиб, уларнинг алоҳида хусусиятлари кўрсатиб ўтилган. Жаҳондаги энг йирик рекрутинг компаниялар фойдадорлигини ёритиб берувчи статистик маълумотлар келтирилган.*

**Таянч сўзлар:** ақлар ови, консалтинг хизматлари, меҳнат бозори, малакали кадрлар, персонал, персонални саралаш Ассоциацияси бирлашмаси, рекрутинг агентликлари, рекрутинг, рекрумент, рекруторлар, хэдхантинг.

*В данной статье рассматривается практика иностранных стран в образовании рекрутинговых служб, был проведен системный анализ деятельности рекрутинговых фирм. Отдельно проведен мониторинг результатов функционирования ведущих зарубежных рекрутинговых компаний.*

**Ключевые слова:** ассоциация отбора персонала, охотники за головами, персонал, профессиональные кадры, рынок труда, рекрумент, рекруторы, рекрутинг, рекрутинговое агентство, служба консалтинга, хэдхантинг.

*In this state practice of foreign countries is examined in formation of rekruting services, the analysis of the systems of activity of rekruting firms was conducted. Monitoring of results of functioning of leading foreignrekruting companies is separately conducted.*



**Keywords:** *association of staff selection, hunters for heads, personnel, professional shots, labour-market, rektument, rekrutor, rekruting, service of consulting, khedkhanting.*

“Персонални танлаш” билан шуғулланувчи компания биринчи маротаба XIX асрда Германияда пайдо бўлган. Кейинчалик бундай фирмалар Франция ва Буюкбританияда, шунингдек, АҚШ да пайдо бўлган. Айнан АҚШ да XX асрда йирик рекрутинг агентликлари пайдо бўла бошлади. Бундай ҳолат иккинчи жаҳон урушидан кейин саноат ва ишлаб чиқаришнинг ўсиши пайтида содир бўлди. Охирги 50 йил ичида рекрутинг бизнес оламида мустақил йўналишга айланди. Рерутинг бизнеси АҚШда, Канадада, Англияда, Австрия ва Швецарияда жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.

Рекрутинг бозор иқтисодиёти барқарор бўлган мамлакатларда тез суръатларда ривожланмоқда. Персонални танлаш ва саралаш бўйича жаҳон бозорида етакчи ўринни эгаллаган фирмаларни кўриб чиқамиз. Жаҳондаги энг йирик рекрутинг компаниялари қаторига 1953 йилда Чикагода ташкил этилган Heidrick & Struggles, 1966 йилда ташкил этилган Korn/Ferry, 1951 йилда ташкил этилган Egon Zehnder, Ward Howell, 1986 йилда ташкил этилган Amgor, Manpower, Morgan Hunt ва 1965 йилда ташкил этилган MRI лар киради. Жаҳон меҳнат бозорида пешқадам бўлиб, Adecco агентлиги ҳисобланади. Бугунги кунда бутун дунёнинг 60 та мамлакатларида 5500 офиси мавжуд. Adecco агентлигининг ўртача йиллик даромади 12.29 млрд. АҚШ долларини ташкил этади. Рерутинг бўйича локал бозор хизматида ходимларни танлаш ва саралаш бўйича етакчи мамлакатларни кўриб чиқамиз. АҚШда рекрутинг бозорида 5 йил давомида тушаётган тушум базис йилга нисбатан ҳар йили 20 % дан ортиб бормоқда. Энг кўп тушаётган тушум қуйидаги сегментларда кузатилмоқда: лизинг бўйича персонал хизмати—йиллик 28,0%; вақтинчалик профессионал мутахассислар билан таъминлаш – йиллик 27,8 %; вақтинчалик ахборот технологиялари бўйича мутахассислар билан таъминлаш йиллик 22 % ни ташкил этмоқда.

Шимолий Америкада мазкур тармоқга 25 минг компания жалб этилган. Рекрутинг бизнесига 1000 дан ортиқ компаниялар хизмат кўсатмоқдалар [1].

Буюкбританияда консалтинг хизматларидан анчадан буён муваффақиятли фойдаланилмоқда. Биргина сўз билан айтганда, иқтисодиёт ва бизнес соҳасида консалтинг хизмати айнаган Буюкбританияда бошланган. Биринчи агент консалтинг хизматлари икки аср илгари техник революцияга қадар пайдо бўлган. XX-асрнинг бошларида эса Буюкбритания АҚШ қаторида консалтинг хизматларининг бугунги кундаги турининг асосчиси бўлган дейиш мумкин. Умуман айтганда, бугунги кунда Ғарбий Европада консалтинг хизматларининг энг ривожланган ва талабгир шакли-рекрутингдир.

Буюкбританияда рекрутинг соҳасидаги сиёсатни уч асосий турини таърифлаш мумкин.

1. «New Deal» - ишга жойлаштиришнинг амалдаги тизими сифатида. 24 ёшгача бўлган ёшларни мутахассислигига кириш учун ва 25 ёшдан 50 ёшгача бўлган ишсизларга кўмаклашувчи ташкилот. Европа мамлакатлари орасида Буюкбританияда ишсизлик энг паст даражада эканлигини эътироф этиш зарур. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки Буюкбританияда ўртача иш ҳафтаси - 37,5 соат, тўрт ҳафталик тўланадиган таътил ва ёлланма ишчиларнинг кучли ижтимоий ҳимояси мавжуд.
2. «WorkTrial» - британиялик иқтисодчиларни тайёрлаш. Синов иш. Уч ой муддат ичида ходим иш билан танишиши, янги жойда ўзини синаши давомида ижтимоий нафақа ҳамда иш жойига келиб кетиш харажатлари билан таъминланади. Бандликни бундай тури ишсиз учун ўзининг кучи ва билимини синаш, келажакда иш жойини йўқотиш таваккалсиз йўналишини танлаш ва ўзига бўлган ишончини ошириш имкониятини беради.
3. «High Skilled Migrant Programme»- миграцион ишчи кучини баҳолаш тизими. Бугунги кунда бизнес соҳасида талаб этилаётган мухассисларга бўлган эҳтиёжни махсус ишлаб чиқилган дастур асосида мамлакатга келган мигрантлар ичидан саралаб олиш. Буларнинг ичидаги танланган мутахассисларга Буюкбритания учун зарур бўлган кадрлар мамлакатда яшаш, рўйхатдан ўтиш ва ишга жойлашиш бўйича рухсатномалар олиш тартиблари энгиллаштирилган. 2002 йилда ишлаб чиқилган ушбу дастур чет эллик

мутахассисларни ўзлари истаган ишларни осон топишларига ёрдам беради. HSMP дастурнинг асосий фойдаланувчилари чет эл рекрутинг агентликлари ва йирик концернлар ҳисобланади.

4. «Jobcentre Plus» - ишга жойлаштириш йўналишларининг бирлашуви. Махсус рекрутинг марказлари ташкил этилиб, унда давлат меҳнат биржалари, электрон биржалар, рекрутинг агентликлари ва ўқув муассасалари имкониятлари бирлаштирилган. Бу рекрутингнинг янги тури ҳақида қуйида кенгроқ фикр юритилади.

Айнан шу марказлашув Буюкбританияда рекрутинг соҳасида кескин ўзгаришларга олиб келди. Кенг кўламдаги маълумотлардан фойдаланиш меҳнат бозорида кадр агентликларини эркин ҳолатда ҳаракат қилишларида қулайликлар яратди. Кўплаб рекрутинг агентликлари ўз эътиборларини меҳнат бозорида мақсадли тармоқ бўйича рекрутинг хизматларига қаратмоқдалар. Ўқув муассасалари битирувчи мутахассисларини ишга жойлаштириш масаласида иштироки у ёки бу мутахассисликка бўлган меҳнат бозори талабини таҳлил этиш ва ёш мутахассисларни ишга жойлаштириш бўйича ҳаракатларини мувофиқлаштиради. Буюкбритания меҳнат бозорида хорижда ишга жойлаштириш бўйича рекрутинг хизматини йўлга қўйиш янгилик бўлди. Аввал Британия ўзининг Осиё, Африка, Европа мамлакатларидаги корхоналарини бошқаришда кадрлар сиёсатида аралашмаган бўлса, бугунги кунда рекрутинг хизмати ушбу масалани марказлашган ҳолда ҳал этилишига ёрдам бермоқда.

Буюк Британиядаги рекрутинг ҳозирги кунда тирик организм сингари бир вақтни ўзида парчаланиш ва синтезлашни амалга оширмоқда:

Ходимлар агентликлари ишчиларни ёллашда тўлиқ циклдан воз кечиб, аниқ бир операцияга эътиборларини қаратишмоқда. Агентликнинг бир қисми кадрларни интернет тизими орқали излаш билан банд [2]. Йирик консалтинг фирмалари ўзларининг кадрлар маркази тизими орқали йирик корхона ва трансмиллий компаниялар учун мутахассисларни хорижий мамлакатлардан излашга киришганлар. Hays Recruitment фирмаси ушбу хизмат билан 10 йилдан ортиқ шуғулланмоқда. Бугунги кунда фирма дунёнинг 25 та мамлакатларида ўз хизматларини кўрсатмоқда. 370 га яқин кадрлар марказида 8 мингга яқин аҳоли ишлайди. Hays Recruitment фирмаси Британияда бугунги кунда ахборот технологиялари, инжинерлик, молия ва архитектура соҳаларидаги мутахассисларни саралаш бўйича етакчи мутахассис ҳисобланади. Бундан ташқари 2007 йилдан фирма халқаро менежмент ва маркетинг соҳасидаги рекрутинг билан фаол шуғуллана бошлаган. Бугунги кунда Hays Recruitmentнинг халқаро рекрутинг тизими Буюкбританияда биринчи ўринни эгаллайди. Кейинги ўринларни Renfield Consulting Group ва Bluefire Consulting Ltd рекрутинг компаниялари эгалламоқда. Бу компаниялар рекрутинг бозорида яқиндан бери фаолият олиб борсаларда, ўзларини юқори даражадаги мутахассис эканликларини кўрсата олдилар [3].

Давлат таркибий меҳнат бозорларининг, рекрутинг агентликлари, таълим муассасалари, ижтимоий хизмат бирлашмалари бозордаги ўзгаришларга жуда тезлик билан мослашадилар. Йирик компаниялар ўзининг кадрлар сиёсатини ўзгартирадиган бўлса, давлат сектори тезлик билан мос равишдаги номзодларни маълумотлар базасидан танлаб олади, таълим муассасалари малака ошириш курсларини ташкиллайдилар, ижтимоий хизмат бирлашмалари эса ушбу тадбирларни молиялаштиради. Буюкбритания меҳнат бозоридаги йирик рекрутинг хизматлари хорижий мамлакатлардан олинган тажрибаларни маҳаллий бозорда жорий этмоқдалар. Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, содда ва бошқарувнинг янги технологиялари ўртасида Англия меҳнат бозори структурасини йирик янги моделини яратди. Унинг мослашувчанлиги билан хатто йирик мамлакатлар ҳам беллаша олмайди. Буюкбритания ушбу соҳада ҳам эртанги кун учун ўз фуқароларига мўътадиллик ва ишончлилиқ муҳитини яратишга эришди.

Россияда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида асосий мақсадлардан бири бу ишсизликнинг олдини олиш масаласи эди. Бошланғич даврда ишсизликнинг паст даражада бўлганлигининг асосий сабаби меҳнатга ҳақ тўлаш даражаси паст бўлганлигидадир. Айни

пайтда иш берувчиларда юқори малакага эга бўлган, профессионал жихатлари билан ажралиб турадиган кадрларга эҳтиёж пайдо бўла бошлади. Россиянинг меҳнат бозорида ишсизлик структураси тобора ўсиб бораётганининг асосий сабаби хорижий мамлакатлардан келаётган технологиялар, ишлаб чиқаришда олиб борилаётган модернизация ва аҳолининг иқтисодий фаоллигидадир. Меҳнат бозорида ишсизлик структураси кадрларни танлашдаги анъанавий усулларни кўриб чиқишни талаб қилди. Меҳнат бозорини кадр агентликлари (рекрутинг хизматлари агентликлари) тўлдиришни бошлади. Бундай агентликлар Россиянинг нафақат Москва ва Санкт-Петербург шаҳарларида балки, Екатеринбург, УФА, Нижний Новгород ва бошқа шаҳарларида фаолият кўрсатмоқда. Охиригги икки йил ичида бозорнинг ушбу ўзига хос бўлган сегментида маълум бир ўзгаришлар бўлиб ўтди: майда фирмалар бозордан чиқиб кетдилар, бозорда қолганлар эса ўзаро бирлашиш ҳисобига барқарор бўлиб қолдилар. Персонални саралаш ассоциацияси бирлашмаси – бу кадрлар агентликларининг профессионал бирлашуви бўлиб, айти пайтда унинг таркибига мамлакат миқёсида 600 дан ортиқ фирма киради. Уларнинг аксарияти (300 дан ортиғи) Москва шаҳрида ўз фаолиятини амалга оширмоқда.

Рекрутинг асосан буюртмачи фирма манфаатларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг талабига асосан кадрларни саралаш ва буюртмачи томонидан ишга қабул қилинишини ташкил этиш билан шуғулланади.

40 йил давомида рекрутинг хизмати шаклланиб ва такомиллашиб бориб, рекрутинг бизнесида амалиётга иккита технологияни тадбиқ этди:

- а) бу персонални тўғридан – тўғри танлаш ва малакавий танлаш усулларида;
- б) бу технологиялар рекрутингда қуйидаги қулайликларни беради:
  - ✓ вакант жойлар ҳақда тўлиқ маълумот;
  - ✓ рекрутинг хизматини кўрсатиш бўйича шартнома тузиш ва имзолаш;
  - ✓ номзодларни излаш стратегиясини ишлаб чиқиш;
  - ✓ турли ахборот манбалари орқали лойиқ номзодларни вакант жой ҳақида хабардор қилиш;
  - ✓ номзодларни танлаш ва улар ҳақидаги маълумотни буюртмачига етказиш;
  - ✓ номзод ва буюртмачи ўртасидаги шартнома тузилишида иштирок этиш.

Одатда рекрутерлар танланган номзод бўйича масъулиятни ўз зиммасига камроқ олиб, синов муддатидан ўтмаган тақдирда буюртмачига кейинги номзодни тавсия этиш вазифасини олади.

Бевосита қидирув меҳнат бозорида талабгор бўлган, лекин ўзлари иш қидириб фирмаларга мурожаат қилмайдиган мутахассисларни жалб этиш билан шуғулланади. Амалиётда кадр агентлигини бевосита қидирув тушунчаси синоними «хэдхантинг» (инг. тилида том маънода “ақллар ови”) деб юритилади. Бунда асосан ишлаб турган олий тоифадаги мутахассисларни излаб топиб, уларга иш жойини фойдалироқ, самаралироқ жойга алмаштиришни таклиф этадилар. Хэдхантинг стратегияси ҳар қайси аниқ ҳолатда индивидуалликка эга бўлиши билан, замонавий олий тоифали мутахассисга нафақат моддий жиҳатдан манфаатни балки мартабаси ўсишини ҳам таклиф этади. Хэдхантинг агентликлари рекрутинг хизматлари бозорида бенуқсон обрўга эга бўлиши, вакант бўлган амалга бўлғуси номзодлар билан ишлашнинг ўзига хос бўлган жиҳатлари билан ажралиб турилиши керак. Агентликнинг буюртма олиши ва ижро этиши муваффақият гарови бўлганлиги сабабли, агентлик мижоздан хизмат тўлови тариқасида олдиндан шартнома суммасининг 60-75% ини оладилар. Олдиндан тўловнинг амалга оширилиши агентликни бошқа фирма топ менежерлари билан буюртмачи фирмага ўтиш масалаларини муҳокама қилишида қулайликлар яратади. Ушбу соҳада амалиётнинг олиб борилиши Россияда унчалик йўлга қўйилмаган бўлиб, бунга сабаб топ менежерлар ичида буюртмачи нуктаи назаридан қараганда катта гонорар эвазига ағдирилиши мумкин бўлган мутахассисларнинг йўқлигидир. Аммо тармоқ ичидаги ишсизлик ушбу сабабни инкор этиш имкониятини бермоқда. Жаҳон амалиётида рекрутинг агентликлари буюртмачига доимий ва вақтинчалик персонални (лизинг персонал) саралаш хизматини кўрсатади. Доимий бандлик учун саралаш

де-юре деб юритилиб, изланувчини ишга жойлаштиришни англатади. Аммо Россия амалиётида де-факто вақтинчалик ишга жойлаштиришни эмас, балки ишга қабул қилинган ходимни келгусида ишдан бўшашига асос деб ҳисобланади. Лизинг (вақтинчалик бандлик) персонали Фарбда энг жўшқин тарзда ривожланаётган ва даромадли замонавий рекрутингни тавсифлайди. Айрим мутахассислар ушбу амалиёт турини келажак меҳнат бозори модели деб қараб, келгусида доимий бандлик тушунчасини инкор этиш прогнозидир деб қабул қилмоқдалар.

“Лизинг персонал” деган ёлланма меҳнат турини пайдо бўлиши XX асрнинг 70-йилларига тўғри келади. Бу вақтда компаниялар олдида корхона ўзгарувчан харажатларни камайтириш масаласи турган бўлиб, улар ушбу масаланинг ечимини лизинг персоналида кўрганлар. Вақтинчалик ёллаш амалиётда кенг тарғиб этилмаганлигини сабаби иш берувчи керакли бўлган ишчини қисқа вақтга ёллаб, иш битгандан сўнг меҳнат қонунчилигини бузмаган ҳолда уни бўшатиб юбора олмаслиги бўлди. Вақтинчалик ёллаш лизинг персоналда ўз ифодасини топди, бу эса персонални саралаш ва ишга олиш бўйича кадр агентликларини пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу агентликлар мутахассисларни иш жойини ўзгартирмаган ҳолда буюртмачи фирмаларга ижарага бериб туриш имконини яратди. Буюртмачи агентликка ижарага олинган мутахассислар учун келишилган иш ҳақи, пенсия ажратмалари ва мукофотларни ёлланган вақт учун ўтказиб беради, ушбу ишчилар билан эса агентлик ҳисоб – китобни амалга оширади. Шу билан бирга буюртмачи солиқ идоралари олдида ҳеч қандай мажбуриятни ўз зиммасига олмайди, буни агентлик зиммасига юклайдилар.

Фарбнинг лизинг персонали ғояси ҳозирча Россия амалиётида оммалаштирилмаган. Бунга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин: вақтинчалик ишга жойлашадиган олий тоифали кадрларни саралашдаги қийинчиликлар; мазкур хизмат учун лизинг бозоридаги тўланадиган ҳақнинг камлиги (доимий ишга жойлаштириш хизматига қараганда); Россия Федерациясининг меҳнат кодекси қонунчилигида доимий ишга ёллаш ва вақтинчалик ишга жойлаш масалалари мустасно эканлиги.

Россияда биринчи кадр агентликлари XX асрнинг 90-йиллар бошида шакллана бошлади. 1992 йиллардаёқ Россиянинг хизматлар бозорига Antal International, Penny Lane Personnel каби машҳур хорижий агентликлар кира бошлади. Бу эса Россия иқтисодиётига хорижий корхоналарнинг кириб келиши ва улар учун маҳаллий аҳоли ичидан малакали кадрларни саралаш билан боғлиқ бўлган. Айни вақтда рекрутинг хизмати бозори бўлиб чиқиш мумкин. Рекрутинг хизматларини шаклланган технологиясини амалга ошириш билан бутун рекрутинг бизнесини пирамида дея тасаввур этиш мумкин.

Пирамиданинг юқори қисмини персонални тўғридан - тўғри излашга мўлжалланган агентликлар эгаллайди. Булар қаторига Ward Howell, Korn/Ferry, Heidrick und Struggles, Neuman трансмиллий компаниялар киради. Пирамиданинг ўрта қисмини ўрта малакали мутахассисларни саралашга мўлжалланган (масалан, «Аскорт-XXI», «Триза», «Метрополис», «Контакт» каби) агентликлар ташкил этади. Пирамиданинг асосини эса паст даражали персонални оз миқдордаги гонорар эвазига саралайдиган майда агентликлар эгаллаган.

Рекрутинг хизмати ҳолатига таъсир этадиган асосий омиллардан бири тез суръатларда ходимларни излаш тизимини интернет орқали амалга ошириш. Ушбу йўл билан танланган кадрлар сони ортиб бормоқда. Нуфузли кадр агентликлари ўзларининг web-сайт ва web саҳифаларини яратадилар. Россияда бундай амалиётдан Russian-Connection, BLM Consulting Group, Human Resources On-Line, «Аскорт-XXI», «Комус-Персонал» агентликлари фойдаланадилар [4].

Россия рекрутинг хизмати бозорида рақобат муҳитини хорижий мамлакатлар агентликларининг филиаллари яратади. Улар Россия кадр агентликларига юқори талабни қўядилар. Ҳозирча Россиянинг рекрутинг агентликлари хорижий мамлакатлар агентликлари билан рақобатлаша олмасликларининг сабаби рекрутинг хизматининг самарадорлиги ва сифати паст даражада эканлигидадир.

Бир сўз билан айтганда, бугунги кунда жаҳон меҳнат бозорида рекрутинг агентликлари хизматларидан фойдаланиш кенг оммалашмоқда. Шунинг учун ҳам рекрутинг агентликларининг йиллик даромадлари ошиши кузатилмоқда. Бундай агентликларнинг Ўзбекистон меҳнат бозоридаги фаолиятини такомиллаштириш орқали корхоналардаги вакант ўринларга юқори малакали кадрларни етказиб бериш ва шунинг билан бирга ишсизлик даражасини камайтиришга асос бўлади.

### Адабиётлар

- [1] Рекрутинг: найм персонала: Учебное пособие/ Карташов С.А., Одегов Ю.Г., Кокорев И.А.// Под ред. Одегова Ю.Г. – М.: Издательство «Экзамен», 2003.
- [2] Руденко Г.Г., Муртазаев Б.У. Формирование рынков труда. –М.: Экзамен, 2004.–416 с.
- [3] [www.hrcouncil.ca](http://www.hrcouncil.ca) – кадрларни излаш ва рекрутинг хизмати сайти
- [4] [www.gprecruitment.info](http://www.gprecruitment.info). – рекрутмент бўйича ахборотлар портали

## МОЛОДЕЖНАЯ КУЛЬТУРА, СУБКУЛЬТУРА И КОНТРАКУЛЬТУРА

М.И. Маъруфий

*Ферганский политехнический институт  
(Получена 1.05.2015г.)*

*Ушбу мақолада ёшлар маданияти ва унинг ичида мустақил равишда мавжуд бўлган субмаданият ҳамда контрмаданиятларнинг таҳлили берилган. Уларнинг ижтимоий муҳитга таъсири кўриб чиқилган.*

**Таянч сўзлар:** маданият, ёшлар маданияти, ижтимоийлаштириш, таъсир доираси, субмаданият, контрмаданият, технократизм, мультимаданият.

*В статье проанализированы вопросы молодежной культуры, особенности проявления таких самостоятельных сфер, находящиеся внутри господствующей культуры, как субкультура и контркультура и их влияние на социальную среду.*

**Ключевые слова:** культура, молодежная культура, социализация, объект воздействия, субкультура, контркультура, технократизм, мультикультура.

*In this article, issues of youth culture, the essence of appearance of such spheres, which are under the dominating cultures as a subculture and counterculture and their influence to the social atmosphere are analyzed.*

**Keywords:** culture, youth culture, subculture, counterculture, socialization, the object of impact, technocratic, multicultural.

Молодежная культура относится к числу особо сложных явлений. Об этом свидетельствует тот факт, что до недавнего времени само ее существование подвергалось сомнению. В наши дни число сомневающихся в ее наличии стало незначительным, однако связанные с ней проблемы и сложности остались.

Исходными пунктами при изучении молодежной культуры выступают понятия молодости и молодежи. Молодость — это длительная фаза или этап жизни, в течение которого каждый человек переходит от детства к взрослости. Содержанием этого перехода является процесс социализации. Поскольку этот переход осуществляется не в одиночку, постольку все совершающие такой переход и составляют молодежь. Последняя представляет собой социально-демографическую группу, объединяющие признаки которой — возраст, социальный статус и социально-психологические свойства.

Однако, указанные признаки являются весьма неустойчивыми и неопределенными, они зависят от характера и уровня развития общества, культуры и особенностей процесса социализации. В целом же этап социализации все больше растягивается. Так, еще в прошлом веке период молодости заканчивался чаще всего к 20 годам, поскольку к этому возрасту человек начинал свою трудовую деятельность и вступал во взрослую жизнь, то сегодня — в связи с резким увеличением срока получения образования — верхняя граница молодости поднялась до 30 и даже более лет. То же самое происходит и с нижней границей, правда, в

обратном направлении. Раньше она соответствовала 14 годам. Теперь она — в связи с феноменом акселерации — иногда отодвигается назад, к 12 годам, особенно, если речь идет о молодежной культуре. Однако большинство ученых сходится на том, что возрастные границы молодости находятся между 14 и 30 годами.

Эти границы указывают на то, что молодежь составляет огромную социальную группу — почти половину населения общества. В силу этого ее роль в общественной и культурной жизни постоянно возрастает. Во многом по этой причине в наше время возникло совершенно новое явление: если раньше молодые люди стремились как можно быстрее стать взрослыми или похожими на них, то теперь появилось встречное движение со стороны взрослых. Они не спешат расстаться со своей молодостью, стремятся сохранить свой молодой вид, заимствуя у молодежи ее сленг, моду, форму поведения и способы развлечения. Такое явление лишний раз свидетельствует о том, что молодежная культура существует, что она образует в первую очередь феномен именно нашего времени.

На этапе социализации отмеченные признаки молодежи — возраст, социальный статус и социально-психологические свойства — претерпевают глубокие, качественные изменения. По мере увеличения возраста происходят физическое, физиологическое и половое развитие и созревание. Практически отсутствовавший социальный статус приобретает вполне конкретные черты: в 18 лет человек официально признается взрослым, что предполагает соответствующие права и обязанности.

Социально-психологические свойства также становятся вполне определенными и устойчивыми, образуя неповторимый характер. Помимо этого вступающий в жизнь человек получает образование, приобретает профессию и квалификацию, осваивает существующие в обществе традиции, обычаи, идеалы и ценности.

Основными каналами социализации выступают семья, школа, махалля, колледж и высшее учебное заведение, общество сверстников, средства массовой коммуникации. При этом собственно культурная социализация составляет преобладающую по своему объему и исключительно важную по своему значению часть.

Молодежная культура является одним из следствий процесса социализации вообще и культурной в особенности. Ее социально-психологические истоки находятся в стремлении молодого человека и молодежи в целом к самосознанию, самоутверждению, самовыражению и самореализации. Эти естественные устремления далеко не всегда получают необходимую поддержку. Дело в том, что почти все названные выше каналы социализации, за исключением общества сверстников, рассматривают молодого человека главным образом в качестве объекта воздействия.

От последнего в таком случае требуется просто принять и усвоить содержание и ценности существующей культуры. Однако входящий в мир человек не соглашается быть пассивным объектом, он далеко не все принимает в предлагаемой культуре. Его свежий взгляд позволяет ему острее видеть то, что некоторые элементы культуры старшего поколения уже не соответствуют духу времени, другие же нуждаются в обновлении. Именно этот процесс критического осмысления и творческого обновления культуры, позволяющий делать ее действительно своей, в конце концов и приводит к появлению молодежной культуры.

В западной литературе истоки молодежной культуры часто рассматриваются в свете теории «конфликта поколений», конфликта «отцов» и «детей».

Его современные последователи рассматривают конфликт поколений в качестве главной и универсальной движущей силы истории. По их мнению, вся предшествующая история была историей борьбы между старыми и молодыми, отцами и детьми, зрелыми мастерами и молодыми подмастерьями, старыми профессорами и молодыми студентами. В качестве современных проявлений борьбы поколений указывается на студенческие и молодежные движения, на молодежную культуру.

Хотя концепции молодежной культуры отражают некоторые черты данного явления, в целом они страдают явными преувеличениями, упрощениями и схематизмом. В первую

очередь они противоречат фактам истории. В первобытном обществе культура была однородной, в ней не было каких-либо субкультур, как и конфликта поколений. На последующих этапах истории культура начинает дифференцироваться, в ней возникают субкультуры, в частности, городская и сельская.

Только в наше время молодежь выделяется в относительно самостоятельную группу и становится носителем особой — молодежной субкультуры, которая, однако, существует наряду с другими — женской, городской, сельской и т.д. Теперь появляются реальные возможности для возникновения разногласий и противоречий между поколениями.

Действительно, сегодня темп социального развития значительно ускоряется. Это ведет к тому, что многие принципы отношений, нормы и правила поведения, знания, идеалы и ценности, сами условия и уклад жизни старшего поколения, проходившего социализацию 25-30 лет назад, и нового поколения оказываются настолько различными, что таят в себе потенциальные возможности для разногласий и противоречий, которые могут перерасти в конфликт. К тому же с возрастом у человека снижается способность к адаптации, он уже не может воспринимать и усваивать новое наравне с молодыми.

Для молодежи характерно эмоционально-нравственное восприятие мира. В ее поведении преобладают движения, действия и динамика. В равной мере для нее характерно резкое противопоставление добра и зла, категоричность и максимализм, нетерпимость ко лжи, несправедливости, лицемерию, неискренности, равнодушию и т.д. Именно в этой области молодежь чаще всего расходится с культурой старших поколений.

Здесь ей труднее всего находить взаимопонимание и взаимное доверие. Поэтому нередко наилучшей средой для нее оказываются сообщества сверстников, которые могут быть как официальными, так и неформальными. Последним отдается явное предпочтение, поскольку в них меньше иерархии, каких-либо правил и ограничений.

В них молодежь в наибольшей степени чувствует себя как дома. Здесь ей легче всего найти взаимопонимание. Они позволяют с интересом провести досуг, обсудить личные проблемы, весело развлечься. Через эти сообщества молодежь добивается эмоционально-нравственного самоутверждения. Они оказываются главным местом создания молодежной культуры, выступающей основной формой самовыражения и самореализации.

В узком смысле молодежная культура — это культура, созданная самой молодежью. В этом отношении она похожа на народную культуру. По своему уровню она также нередко бывает не слишком высокой, однако это компенсируется неподдельной искренностью и честностью, откровенностью и подкупающей наивностью. Как и народная, молодежная культура в той или иной мере противопоставляет себя официальной, массовой культуре и отчасти — высокой.

Вместе с тем молодежная культура выходит за рамки того, что создается самой молодежью, и включает в себя культуру, специально созданную для молодежи, включая массовую. Значительная часть культурной индустрии ориентирована на удовлетворение запросов и вкусов молодежи. В особенности это касается досуга и развлечений, а также моды, производства одежды, обуви, украшений, косметики и т.д.

Основные виды и формы молодежной культуры обусловлены миром чувств и эмоций. Центральное место в ней занимает музыка, поскольку именно она обладает наиболее сильным эмоциональным воздействием. Только музыка способна наиболее глубоко выражать чувства. Она наполняет жизнь поэзией, заражает энергией, меняет и поднимает настроение. Музыка может становиться главным средством общения. Она является лучшим способом самовыражения.

Наряду музыкой элементами молодежной культуры выступают также сленг (жаргон), одежда, обувь, внешний вид, манеры поведения, способы развлечения и т.д. Сленг, или молодежная речь, отличается от общепринятого литературного языка специальной и небольшой по объему лексикой, а также повышенной экспрессивностью и эмоциональностью. Одежда и обувь включают в первую очередь кроссовки, джинсы, футболку с крупными надписями и рисунком и куртку. Все элементы культуры несут

символическую нагрузку, они означают общность и единение носителей культуры и подчеркивают ее выделенность и обособленность от общей культуры.

Молодежная культура является субкультурой, существующей наряду с другими. Она представляет собой довольно аморфное образование, охватывающее студенческую, творческую, рабочую, сельскую молодежь, разного рода маргиналов и т.д. Значительная часть молодежи либо не связана с ней, либо эта связь является весьма слабой, чисто символической.

Культура, взятая во всех своих проявлениях, неоднородна и противоречива. Даже внутри относительно целостной культуры, например культуры конкретного народа в определенную эпоху, можно выделить различные группы людей (деревенские, городские, профессиональные, возрастные и т.д.) со своими особыми установками, ценностями, предпочтениями, обычаями. Следовательно, во всех этих группах проявляются относительно самостоятельные культурные тенденции. Такие самостоятельные культурные сферы, находящиеся внутри господствующей культуры, называются субкультурами. Впервые к нему обратились западные социологи и антропологи в 30 гг. XX века. В широком смысле под субкультурой (лат. Sub - под + Cultura - воспитание) понимают культурную подсистему доминирующей культуры. И. Тухтаров считает, что в узком смысле большинство определений субкультуры акцентируют внимание на ограниченном наборе ее основных признаков: либо на социальных (определяющим фактором является носитель субкультуры), либо на поведенческих (субкультура как стереотип поведения)[1, 16] Наиболее емким и научно обоснованным, на наш взгляд, является определение субкультуры, данное Щепанской Т.Б.: "субкультура - коммуникативная система, самовоспроизводящаяся во времени [2, 34]. Прежде всего приставка "суб-" в современном контексте, подразумевает, что речь идет о подсистеме культуры как целого. Субкультура не представляет собою самостоятельного целого. Ее культурный код формируется в рамках более общей системы, определяющей основу данной цивилизации и целостность данного социума "культура". Субкультуры, как ее подсистемы, опираются на ее культурный код (общий для большинства их и обеспечивающей их взаимопонимание), а кроме того, ориентированы на постоянный диалог с нею. Этот диалог может принимать формы "обновления культуры", ее "развития", "восстановления традиций" – или "противостояния", "разрушения" и проч., но он необходимый элемент самосознания и самоопределения субкультур.

Для субкультур характерен ряд особенностей, которые находят отражение в основных областях жизни той или иной группы. Например, можно говорить о субкультурах молодежи, представителей мира искусства или преступного мира, где имеются свои особые моральные нормы, язык (жаргон), манеры, стиль поведения[3,46]

Многие из этих субкультур не просто отличаются от официальной культуры, но и прямо противостоят ей. Например, резко критическим отношением к принятым в господствующей культуре ценностям отличались молодежные движения 1960-х гг. (хиппи, рокеры, панки и т.д.) Взятые вместе, такие протестные субкультуры формируют контркультуру. Таким образом, контркультурой можно назвать комплекс установок, направленных против официальной культуры.

Весь процесс истории культуры иногда представляется в виде борьбы официальной культуры и контркультуры. Например, христианские общины в первых веках новой эры резко противопоставляли свои ценности господствующим установкам эпохи античности времени упадка. В бывшем Советском Союзе контркультурными признавались все установки, направленные против коммунистической и государственной идеологии. И в том, и в другом случае контркультура после долгих лет борьбы вытеснила официальную культуру и заняла ее место.

Такие глобальные перемены в культуре происходят чрезвычайно редко — в кризисные эпохи, когда господствующие ценности перестают соответствовать изменившейся реальности. В остальное время они остаются невостребованным резервуаром инноваций.



Контркультура — социокультурные установки, противостоящие фундаментальным принципам, лежащим в основе той или иной культуры, характеризующиеся отказом от сложившихся социальных ценностей, моральных норм и идеалов, стандартов и стереотипов массовой культуры. Термин «контркультура» появился в западной литературе в 1960 г. Его ввел американский социолог Т. Роззак, который попытался объединить различные духовные влияния, направленные против господствующей культуры, в относительно целостный феномен. Теория контркультуры ставила своей целью ниспровержение современной культуры, которая представлялась организованным насилием над личностью. Этот протест принимал различные формы — от пассивных до экстремистских.

Молодежная контркультура стала наиболее значимой в жизни современного человечества. Первоначально она была направлена против технократизма индустриального общества. Собственность, семья, личная ответственность и другие фундаментальные ценности современной цивилизации провозглашались предрассудками, а их защитники рассматривались как ретрограды.

Самым известным примером контркультуры стали молодежные движения 1960-1970-х гг. битников и хиппи, сконцентрировавшие антибуржуазные идеи и выступавшие против западного образа жизни и буржуазной морали. В середине 1940-х гг. основоположники битничества Д. Керуак, У. Берроузи А. Гинзберг стали экспериментировать с понятиями дружбы, нового видения и нового сознания, а в 1950-е гг. появились их книги, где они попытались обосновать новое миропонимание, связанное с поэтизацией мужского начала, мужественности и бунтарства, отказом от пуританства и ханжества буржуазной морали и традиций общества потребления. Эти поиски привели их на Восток, привив последующим поколениям интерес к буддизму, психоделическим практикам, которыми особенно увлекались хиппи. Контркультура хиппи активно, в скрытой форме, рекламировалась и раскручивалась СМИ. Стили, мода, элементы контркультуры (джинсы, часто потёртые и дырявые, ставшие повседневной одеждой для представителей различных слоёв общества и высшего света, мини-юбки, оккультная литература и литература «новых левых», а также другие элементы) были интегрированы в систему потребления этих обществ, принося баснословные барыши их производителям. СМИ целенаправленно осуществляли раскрутку различных рок-групп («Битлз», «Ролинг Стоунз» и др.), пропаганду ценностей (фактически же, антиценностей) контркультур, сексуальной вседозволенности и раскрепощённости. Все эти действия СМИ, шоу-бизнеса и индустрии потребления целенаправленно вели и ввергали институты социализации и сам процесс социализации молодёжи в перманентно кризисное состояние, в ущерб чаяниям и интересам самой молодёжи и всего общества в целом

К 1960-м гг. спектр молодежных течений в контркультуре расширился, все чаще вовлекая в свои ряды тинейджеров — подростков от 13 до 19 лет.

Рокеры — одетые в кожу мотоциклисты, наводящие ужас на обывателей, культивирующие «мужской дух», жестокость и прямоту межличностных отношений, основанных только на физической силе. Они агрессивны, грубы, шумны и уверены в себе. Воплощением их образа жизни стала рок-музыка, тяжелый и простой ритм которой хорошо вписывается в их жизнь.

Движение панков стало особенно популярным в 1970- 1980-е гг. Панки шокировали добропорядочных людей умопомрачительными по цвету и дизайну прическами и ругательствами, а также своими нарядами — старой школьной формой, «украшенной» мусорными пакетами, туалетными цепочками, булавками. Им противостояли теды («тедди-бойз»), объявившие себя хранителями социального порядка, и моды («модернисты»), стремившиеся приблизиться к среднему классу. Позже от «модов» откололись скинхеды, или «бритоголовые», агрессивно настроенные ко всем девиантным, с их точки зрения, группам.

Наличие контркультуры не является специфической чертой XX в. Противостояние господствующей культуре, рождение новых ценностей происходит в мировой культуре снова и снова. Как контркультура возникло христианство в Римской империи, светская культура в эпоху Возрождения, романтизм в конце эпохи Просвещения. Всякая новая

культура рождается в результате осознания кризиса культуры предшествующего периода на базе существующих контркультурных установок [4,132].

